БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИ ТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 147 (378)

24 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрининг буйруғи (1-нчи бет).

СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Булганин ҳузурида Буюк Британия делегацияси шарафига зиёфат (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумида (1-нчи бет).

СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни олдидан (1-нчи бет).

КПСС МК Пленумининг қарорлари халқимизни янги ғалабаларга руҳлантирмоқда (1-нчи бет).

Маданият ходимларининг республика кенгаши (2-нчи бет).

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ: **И. Сатторов.** — Муҳим топшириқ (2-нчи бет).

КИНО: **М. Яҳ'ёев.** — «Бўрон» (2-нчи бет).

Июльнинг қолган саноқли кунларидан унумли фойдаланиб, ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўпланишига эришайлик! (3-нчи бет).

А. Иброҳимов, Н. Трегулов. — Бедани маккажўхори орасига экишни кенг қўлланайлик (3-нчи бет).

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгаши (4-нчи бет).

Женева кенгаши тўғрисида Ғарбий Германия матбуотининг ёзганлари (4-нчи бет).

СССР блан Канада ўртасида почта посилкалари айирбошлаш тўғрисида битим (4-нчи бет).

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Бугун Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. Совет халқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари бу традицион байрамни — социалистик Ватанимиз Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини зўр хурсандчилик блан нишонлайдилар. Ҳарбий денгизчилар куни биргина совет халқларининг эмас, балки жаҳонлаги барча прогрессив инсониятнинг, миллион-миллион тинчликсевар оддий кишиларнинг ҳам шодиёна байрамидир.

Совет ҳарбий денгизчилари, кемасозлари улуғ айём кунида она-Ватанимизга, шонли Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукуматимизга ўзларининг чексиз садоқатларини, оташин муҳаббатларини, муқаддас чегараларимизнинг, шунингдек тинчлик ва халқлар дўстлигининг баҳодир посбонлари эканликларини яна бир марта намойиш қиладилар.

Буюк мамлакатимиз чегаралари денгиз ва океанлар блан туташган. Она-Ватанимизнинг кенг қучоғидан азим дарёлар узоқ манзилларга оқиб ўтади. Мамлакатимизнинг Шимолий Муз океани, Атлантик ва Тинч океанларга чиқадиган йўллари бор. 14 денгиз блан туташ бўлган денгиз чегараларимиз 47 минг километр масофани ташкил этади.

Совет Ватани-буюк сув йўллари, денгиз ва океанлар ватанидир. Ватанимиз флоти ўзининг узоқ ўтмишига, шонли тарихига эга. Машҳур флотчилардан Ушаков, Сенявин, Лазарев, Нахимов, талантли кемасозлардан Макаров, Крилов, Попов, Бубновларнинг рус ҳарбий-денгиз флоти ва унинг техникаси тараққиётидаги хизматларини халқимиз асло унутмайди. Улар рус ҳарбий-денгиз флотини мукаммаллаштириш ва жанговар қобилиятини оширишда тарихий ғалабаларга эришиб, абадий шон-шуҳрат қозондилар.

Денгиз флотининг янги техникаси, жанговар денгиз кемаларининг янги хиллари бизнинг Ватанимизда барпо қилинган. Броненосецлар, крейсерлар, сувости кемалари, торпедо катерлари биринчи марта Россияда ишланган. Рус кемасозлари денгиз флоти техникасини кўп ажойиб янги ихтиро'лар блан бойитганлар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин мамлакатимизда Қуролли Кучларимиз ва унинг жанговар қисми бўлган Ҳарбий-Денгиз Флоти тез сур'атлар блан ривожланди ва она-Ватанимизнинг қудратли посбонига айланди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз Ҳарбий-Денгиз Флотини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Мамлакатимизда социалистик индустриянинг ривожланиши натижасида ҳарбий техника, шу жумладан ҳарбий-денгиз техникаси ҳам тобора такомиллаштирилиб борилди. Совет кемасозлари жанговар крейсерлар, броненосецлар, сувости кемаларини ишлаб чиқарабошладилар. Кемасозлик саноати ривожланиб, денгиз ва океанларда сузучи янги корабльлар яратилди. Кемасозлик саноати ривожланиши блан бирга, янги сув йўллари, — кемалар тўхтайдиган портлар, пристанлар, базалар вужудга келтирилди.

Улуғ Ватан урушы қуролли кучларимизнинг, шунингдек Ҳарбий-Денгиз Флотимизнинг енгилмас куч-қудратини бутун дун'ёга намойиш қилди.

Қўрқмас ҳарбий денгизчиларимиз Улуғ Ватан урушы йилларида Ленинград, Таллин, Одесса ва Севостополни ҳимоя қилишда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Баҳодир денгизчиларимиз Севастополни қаҳрамонларча ҳимоя қилиб, унинг остоналаридa гитлерчи босқинчиларнинг учюз минг кишилик қўшинларини яксон этдилар.

Совет денгизчилари улуғ Ватан урушида буюк ғалабаларга эришиб, совет Ҳарбий-Денгиз Флоти тарихида янги, шонли саҳифалар очдилар, халқимизнинг чексиз ҳурматига сазовор бўлдилар. Мингларча денгизчилар СССР орден ва медальлари блан мукофотландилар, юзларча денгизчиларга ишдаги жангларда мислсиз жасорат ва мардлик кўрсатганликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак фахрий унвонлар берилди. Қаҳрамон денгизчиларимиз урушдан кейинги тинч қурулиш йилларида Ватан уруши фронтларида ортирган тажрибаларини мустаҳкамлаб, ўзларининг ҳарбий маҳоратларини тобора ошириб бормоқдалар, Ватанимиз чегараларини, денгиз ва океанларини сергаклик блан қўриқламоқдалар.

Совет халқи мамлакатимиз куч-қудратини ошириш, тинч қурилиш ишларини кенг кўламда олиб бориш учун фидокорона меҳнат қилмоқда ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида янгидан-янги ғалабаларга эришмоқда. СССР Министрлар Совет ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1955 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида кеча матбуотда е'лон қилинган ахбороти бунинг ёрқин далилидир.

Армия, авиация ва флотга ёрдам беручи кўнгилли жамият (ДОСААФ) совет кишиларининг оммавий ташкилоти бўлиб, бу жамиятга миллионларча совет ёшлари уюшган. Областимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ҳам ДОСААФ қуйи ташкилотлари ишлаб турипти. Тошкентда ва бошқа шаҳарлардаги ДОСААФ комитетлари Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунини кенг нишонламоқдалар.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу йил Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунини халқ хўжалигининг турли соҳаларида янги ғалабаларни қўлга киритиш блан қутиб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан илҳомланган совет халқи Пленум қарорларида кўрсатилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш, бешйиллик планнинг сўнгги йили программасини муддатидан илгари адо этиш ва КПСС XX с'ездини янги, буюк ғалабалар блан қутиб олиш учун юксак ватанпарварлик кўрсатиб ишламоқда.

Совет халқи тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратини сарфлаб ижодий меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда оғир индустрия ривожлантирилиб, бўз ерлар ҳосил конига айланмоқда, совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлиги равнақ топиб, ижодий юксалиши учун катта имкониятлар яратилган. Халқимиз бахтли ҳаётимизни қўриқловчи, тинчликнинг улуғ посбони — Совет Қуролли Кучлари ва унинг жанговар қисми бўлган Ҳарбий-Денгиз Флотининг куч-қудратини янада мустаҳкамлашни истайди.

Мамлакатимиз чегараларининг соғлиқ посбони, халқлар дўстлиги ва тинчлигининг буюк символи бўлган шонли Қуролли Кучларимизга ва унинг қудратли Ҳарбий-Денгиз Флотига шон-шарафлар бўлсин!

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрининг БУЙРУҒИ

1955 йил 24 июль № 117 Москва шаҳри

Матрос, солдат, старшина ва сержант ўртоқлар!

Офицер, адмирал ва генерал ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари ССР Иттифоқи Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунини байрам қилмоқдалар ва совет ҳарбий денгизчиларининг ҳамда кемасозларининг Ватанимиз денгиз чегаралари мудофаасини мустаҳкамлашдаги янги муваффақиятларини нишонламоқдалар.

Сизни умумхалқ байрами — Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни блан қутлайман.

Ҳарбий Денгиз Флотининг матросларига, старшиналарига, офицерларига ва адмиралларига янги ҳарбий кемаларни ўзлаштиришда, ҳозирги замон ҳарбий-денгиз техникасини ва қуролини эгаллашда, Совет Иттифоқи Ҳарбий-Денгиз Флотининг қудратини ва жанговар тайёрлигини оширишда янада муваффақиятлар тилайман.

Кемасозлик саноатининг ишчиларига, конструкторларига ва инженер-техник ходимларига совет кемасозлигини фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш ишида янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 24 июльда, флотларда ва флотилияларда ҳарбий кемалардаги ва қирғоқ батареяларидаги тўплардан бир йўла йигирма бир марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин Совет Ҳарбий-Денгиз Флоти!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари!

Яшасин жонажон Совет Ҳукуматимиз!

Яшасин коммунизм учун курашда совет халқининг илҳомлантируччи ва раҳбарлик қилучи буюк кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

ССР Иттифоқи Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали Г. ЖУКОВ.

СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Булганин ҳузурида Буюк Британия делегацияси шарафига зиёфат

ЖЕНЕВА, 22 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Буюк Британиянинг тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Кенгашида қатнашаётган делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда А. Иден, Г. Макмиллан, Н. Брук, А. Киркпатрик, У, Хэйтер, Г. Каччиа ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Н. С. Хрушчев, В. М. Молотов, Г. К. Жуков, А. А. Громико, Я. А. Малик, Л. Ф. Ильичев ҳозир бўлдилар.

КПСС МК Пленумининг қарорлари халқимизни янги ғалабаларга руҳлантирмоқда

Партия XX с'езди шарафига мусобақа

Тошкентдаги «Автотрактородеталь» заводининг цехларида КПСС МК июль Пленумининг қарорларига бағишланган суҳбатлар ўтказилмоқда. Ишчилар бу жуда муҳим ҳужжатларни э'тибор блан ўрганиб, меҳнат унумдорлигини оширишга, давлат планларини муддатидан илгари бажаришга қаратилган янги социалистик мажбуриятлар олмоқдалар, партиянинг XX с'езди шарафига социалистик мусобақага қўшилмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитети Ватанимизнинг меҳнаткашлари олдига саноатни янада кучли равишда юксалтириш юзасидан катта вазифаларни қўйди, — деди термист ўртоқ Бухенко. — Июль Пленумининг қарорларига меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан жавоб бериш бизнинг бурчимиздир. Мен нормани 200 — 250 процентга етказиб бажармоқдаман. Партиянинг XX с'езди шарафига иш унумини янада ошириш мажбуриятини оламан. Қишлоқ хўжалик машиналари учун тайёрланадиган детальларнинг пишиқ бўлиши, аввало бизга боғлиқдир. Биз меҳнат унумдорлигини ошириш, нуқул а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Лекальчи-слесарь Суйков, формовкачи Мухамедшин, токарь Поддубский ўртоқлар ва бошқа кўпгина ўртоқлар ҳам ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Завод коллективи партиянинг XX с'езди шарафига бешйиллик топшириқни август ойида, йиллик топшириқни эса 1 декабрьгача бажаришта, йил охиригача пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Олинган вазифани бажариш учун корхонада янги мукаммал асбоб-ускуналар ўрнатилади. Жумладан, ишчилар детальларни юқори частотали электр қуввати блан тоблайдиган аппаратурани монтаж қилмоқдалар. (ЎзТАГ).

Ғишт пишириш кўпайтирилмоқда

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинатининг капитал қурилиш бошқармасига қарашли ғишт заводининг коллективи меҳнатда янги муваффақиятларга эришди. Июль ойи планидан ташқари анча миқдорда маҳсулот тайёрлаб берилди. Таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари ортиғи блан бажарилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда завод рационализаторлари катта роль ўйнади. Масалан, яқинда ғишт қуюладиган тўпроқ пресс бўлимига скрепер лебедкаси ёрдами блан келтирилар эди. Завод механиги ўртоқ Акуловнинг таклифи блан 80 метр узунлигида транспортёр ўрнатилди. Шу блан бирга фрез-кураклларнинг конструкцияси такомиллаштирилди. Мана буларнинг ҳаммаси хомаш'ёни етказиб беришни тезлатиш ва бу ишда машғул бўлган ишчилар сонини камайтириш имкониятини берди. 60 минг ғишт сиғадиган ўнбеш камерали сушилка бўлими ишга туширилганидан кейин меҳнат унумдорлиги кескин суратда ошди.

Заводнинг рационализаторлари КПСС МК Пленумининг қарори блан танишиб чиққанларидан кейин ўз ишларини яна кучайтирмоқдалар. Новаторлардан Акулов, Долгов, Соболев, Гнездилов ва бошқа ўртоқлар ҳозирги вақтда хомаш'ё сифатини яхшилаш соҳасида иш олиб бормоқдалар.

Корхона коллективи КПСС МК июль Пленуми қарорига жавобан йил охиригача плондан ташқари бир миллион ғишт пишириб бериш мажбуриятини олди.

15 станция бешйиллик планни бажарди

Темир йўл Тошкент бўлимининг кўпсонли коллективи станциялар ва корхоналараро социалистик мусобақани қизитиб, йил бошидан бери юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Темирйўл бўлими бўйича ярим йиллик давлат плани деярли ҳамма кўрсаткичлар юзасидан бажарилди.

Бўлимга қарашли 33 та юк станциясининг машинистлари, торозибонлари, диспетчерлари ва бошқа ишчи, инженер-техник ходимлари бешинчи бешйиллик программани муддатидан олдин бажариш учун барча резервларни ишга солмоқдалар. Бу — ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Ҳозирнинг ўзида 15 та юк станцияси коллективи юкларни зич жойлаштириш ҳамда составларни жадал метод блан бошқариш натижасида бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф блан бажаришга муваффақ бўлди. Улар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларидан руҳланиб, иш унумдорлигини янада оширмоқдалар, Бутуниттифоқ темирйўлчилар Кунини навбатдаги бешйиллик ҳисобига кўпгина эшелон юк ташиш блан қутиб олмоқдалар. Бу илғор коллективлар ичида Оҳангарон, Бўзсув, Чирчиқ, Салор, Қизилтўқимачи станцияларининг темирйўлчилари, айниқса намунали меҳнат қилмоқдалар.

Бешйилликни 7 ноябрьгача бажариш учун

Янгийўл гўшт комбинати ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумини меҳнат соҳасида юқори кўрсаткичлар блан қутиб олдилар. Улар 7 ойлик давлат планини олти ярим ойда ҳамма кўрсаткичлар бўйича ортиғи блан бажаришга муваффақ бўлдилар. Ҳозиргача планга қўшимча равишда бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлабчиқардилар. Колбаса цехининг меҳнатсевар коллективи беш йиллик топшириқни шу йилнинг март ойидаёқ бажариб қўйди. Цех коллективи шу кунларда 1956 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Корхонада меҳнат унумдорлигининг бундай юқори бўлишига ва давлат планларини муваффақият блан бажарилишига омил бўлаётган асосий факторлар шулардан иборатки, бу ерда агрегатларнинг иш унумини оширишга, ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар изчиллик блан амалга оширилмоқда. Масалан, колбаса цехида колбаса пишириш қозонлари аввал олов блан қизитилар эди. Энди уни пар блан қизитишга ўтилиши натижасида иш процесслари механизацияланди, 3 ишчи бошқа участкага кўчирилди ҳамда йилига 240 тонна ёқилғи тежаб қолиш имконияти яратилди. Слесарь ўртоқ Симонов тайёрлаган махсус ёғ ўтқазгичини ишлабчиқаришда қўлланилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 5 ҳисса ортди. Шунингдек, ёғ цехида янги қуйқа тўпдайдиган ва аралаштирадиган мосламалари бўлган пар қозони ўрнатилди. Бу эса нуқул юқори ва биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқаришни та'минламоқда.

Комбинат коллективи қўлга киритилган ютуқлардан қаноатланиб қолмай, Пленум қарорларига жавобан ўз ички имкониятларини қайта кўриб чиқдилар ва беш йиллик программани Улуғ Октябрь революциясининг 38 йиллигигача тўла-тўкис бажариш, маҳсулот таннархини планда белгиланганидан 4 процент камайтириш, меҳнат унумдорлигини 2 процент кўпайтириш, плондан ташқари 100 тонна гўшт ва 50 тонна колбаса етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

И. ЮРОВСКАЯ.

МТС қурилиши тезлашмоқда

Бекобод районидаги колхозларга техника ёрдамини кучайтириш мақсадида районда янги МТС қурилиши планлаштирилган эди. Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 704-нчи УНР шу йил февраль ойида янги — 3-нчи Бекобод МТС қурилишига киришди. Бу об'ект нуқул йигма темирбетон конструкциялари ва детальларидан қурилмоқда. УНР коллективи бу дастлабки йигма темирбетондан қурилаётган об'ектда тажрибасизлик ва бошқа бирқанча камчиликлар орқасида анча қийинчиликларга дуч келмоқда. Лекин шунга қарамай, улар бу муҳим об'ектни имкони борича тезроқ фойдаланишга топшириш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Ҳозир МТС ишчилари ва механизаторлари учун ётоқхона, икки квартирали уйлар, дизель установкаси ўрнатилган қозонхона ва алоқа бўлими бинои қуриб битказилди. Шунингдек водопровод, канализация ва электр линиялари ўтказилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан ғоят руҳланган қурувчилар коллективи иш сур'атини янада оширмоқдалар. Жамилов, Жабборов ўртоқлар бошчилигидаги бригада а'золари смена топширигини икки ҳиссадан ошириб бажармоқдалар. Ўртоқ Рис бошчилигидаги дурадгорлар бригадаси ўртоқ Матюшко бошчилигидаги арматурачилар бригадаси блан ўзаро мусобақани авж олдириб, қисқа вақт ичида устахонанинг ҳамма арматурасини тайёрлаб бердилар. Механика устахонасининг ишчиларидан Абдурашидов, Сирожиддинов, Вирц ва бошқа ўртоқлар темирбетон конструкциялари ишлабчиқаришда илғор иш методларини муваффақият блан қўлланиб, монтажчиларга ўз вақтида керакли қисмларни тўла-тўкис етказиб бермоқдалар. УНР қурувчилари ва монтажчилари бу об'ектни 7 ноябрьгача қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

В. ВЕРТЯНКИН.



Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатида қурилиш ишлари тобора жадаллаштирилмоқда. **Суратда:** Сирдар'ё кўчасида яқинда қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган металлурглар ётоқхонаси.

А. Ким фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми Варшава шаҳридаги Маданият ва фан саройи қурилишида Ҳукуматнинг топшириқларини намунали бажарганликлари учун қурилишнинг энг яхши ўрнак кўрсатган қатнашчиларини орден ва медальлар блан мукофотлади.

Ленин ордени блан қурилишнинг собиқ бошлиғи, СССР металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрининг ўринбосари Г. А. Караваев, ишларни бошқаручи Н. Ф. Корниенко, металл конструкциялар монтажчиларининг бригадири Н. Д. Коростелев, қурилиш бошлиғи Д. А. Шаталов мукофотландилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан «Электромонтаж» бошқармасининг бошлиғи В. В. Белобродский, металл конструкциялар монтажчиларнинг бригадири А. П. Гавриш, қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. Г. Зоза, қурилиш бошқармаси бошлиғининг пардозлаш ишлари бўйича ўринбосари П. Н. Клочанов, қурилишнинг бош инженери А. Н. Печенкин, дурадгорлар бригадири Р. Ф. Таиров, «Стальконструкция» бошқармасининг бошлиғи А. Г. Чубуков мукофотландилар.

Қурилиш қатнашчиларидан 47 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени блан, 54 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали блан ва 72 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали блан мукофотланди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1955 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ТЕКСТЛАРИ БРОШЮРА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

Давлат Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитетининг 1955 йил июль Пленуми Қарорларининг текстларини брошюра қилиб нашр этди.

Брошюра 1 миллион нусха босилди. (ТАСС).

СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни олдидан

24 июль — СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни. Байрам шарафига Ватан флотининг шонли тарихи тўғрисида, совет денгизчиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонлиги тўғрисида доклад ва лекциялар ўқилмоқда. Пойтахтдаги бирқанча корхоналарда, шу жумладан Сталин номидаги автомобиль заводида, Киров номли «Динамо» заводида, Каганович номидаги Биринчи Давлат подшипник заводида, Бойков номидаги чўян қуйиш ва «Серп и молот» заводларида лекция ва докладлар бўлиб ўтди.

Шу кунларда шаҳарларда, областьларда, ўлкаларда, иттифоқчи ва автоном республикаларда ҳархил спорт турлари бўйича оммавий мусобақалар ўтказилмоқда. ДОСААФ бошланғич ташкилотларининг ўн минглаб а'золари шлюпкаларда ва елканли қайиқларда, сузишда, сувга сакрашда, сув полосида, корабль ва спорт кемалари модельларини қўйиб юборишда команда биринчилиги ва якка биринчилик учун ўтказилаётган мусобақаларда қатнашмоқдалар.

Ҳарбий кемаларда ва ҳарбий қисмларда фотовитриналар ташкил этилган. Клубларда, маданият уйлари ва саройларида, кинотеатларда «Броненосец Потемкин», «Нахимов», «Тўртинчи перископ», «Адмирал Ушаков», «Кемалар қал'аларни штурм қилмоқдалар» деган ва бошқа картиналар кўрсатилмоқда. Улуғ Ватан урушида қатнашган ҳарбий денгизчилар блан учрашувлар ташкил этилмоқда. «Сокольники» маданият ва истироҳат паркида Москва шаҳар Сокольники райони ёшларининг катта кечаси бўлди.

24 июль якшанба куни Химки сув омборида катта сув спорти байрами, Москва — рекада эса ДОСААФ командаларининг қайиқларда оммавий мусобақаси ўтказилади. (ТАСС).

Совет-мўғул дўстлиги кечаси

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Мўғулистон Халқ Республикаси тузилган кунининг 34 йиллигини нишонладилар. Бу шонли кунга бағишлаб, корхоналарда ва муассасаларда лекциялар ўқилди, адабиёт виставкалари ташкил этилди.

21 июльда Муқимий номидаги театрда Совет-Мўғул дўстлигига бағишланган умум шаҳар кечаси бўлиб ўтди. Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамияти томонидан чақирилган бу кечани жамият правлениеси раисининг ўринбосари Р. А. Каримов қисқача кириш нутқи блан очди.

СССР география жамиятининг ҳақиқий а'зоси, Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг доценти Х. Х. Ҳасанов Мўғулистон Халқ Республикасининг 34 йиллиги тўғрисида доклад қилди. У совет-мўғул дўстлигининг мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида, мўғул халқининг экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди. (ЎзТАГ).

Маданият ходимларининг республика кенгаши

Тошкентда маданият ходимларининг республика кенгаши икки кун давом этди. Кенгаш Ўзбекистон ССР маданият министри А. М. Қўчқоровнинг республика аҳолисига маданий хизматни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Докладда ва музокарада сўзга чиққанларнинг нутқларида кўрсатиб ўтилишича, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва унинг жойлардаги органлари оммани коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан қониқарли фойдаланаолмаётирлар. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш ишининг аҳволи ҳали республика экономикасининг умумий ривожланиш даражасидан ҳали ҳам орқада қолиб келмоқда, ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенциясининг ўсган талабларига жавоб бермайди.

Кенгаш қатнашчилари республикада театр ва музыка сан'атини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларга кўп э'тибор бердилар. Сан'ат ходимларининг идеология масалалари соҳасида партия томонидан берилган жуда муҳим кўрсатмаларни бажариш учун курашни сусайтириб юборганликларини кўрсатучи бирқанча фактлар келтиришди. Кўпчилик театрларнинг, жумладан республикада етакчи ҳисобланган Навоий номли ва Муқимий номли театрларнинг репертуарларида социалистик воқ'ликка бағишланган спектакллар жуда кам. Ўзбек халқининг пахта учун, индустрияни янада ривожлантириш учун олиб бораётган курашини акс эттирувчи асарлар йўқ. Бундай аҳвол учун кўп жиҳатдан республиканинг Ёзувчилар союзи ва Композиторлар союзи жавобгардир. Улар ҳозирги замон темасида ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак бўлган асарлар яратиш тўғрисида етарли конкуярлиқ қилмаётирлар. Шу билан бирга, репертуардаги камчиликлар учун Маданият министрлигининг ва театрлар ижодий коллективларининг раҳбарлари ҳам анча жавобгардирлар. Улар ёзувчилар ва композиторлар билан яхши алоқа ўрнатмаганлар, уларнинг ишига тегишли даражада та'сир кўрсатиб турмайдилар.

Ба'зи театр коллективларида саҳна маданиятининг савияси паст. Актёрлар ўртасида тарбия ишлари қониқарсиз қўйилган. Колхоз-совхоз театрлари айниқса ёмон аҳволга тушиб қолган. Колхоз-совхоз театрларидан ба'зилари ҳеч қандай янги спектакллар кўрсатмаслан, ҳақиқатда концерт бригадаларига айланиб қолганлар.

Кинематография ва кинофикация ходимлари партиянинг идеология масалалари юзасидан берган кўрсатмаларидан ўзлари учун зарур хулосаларни чиқариб олмаганлар. Тошкент бадиий ва ҳужжатли фильмлар студияси ёмон ишламоқда. Бу студия томонидан чиқарилган фильмларда воқ'ликни оддийга безаб кўрсатишга йўл қўйилган. Фильмлардан кўпи чала ва қониқарсиз ишланган. Студия раҳбарларининг ишга мас'улиятсизлик билан қараганликлари натижасида бўш ва сифатсиз ёзилган сценарийлари сотиб олишга кўп маблағ сарфланган. Студия пахтачилик агротехникаси ҳақидаги бирқанча фильмларни ҳали ҳам чиқармаган.

Аҳолига, айниқса қишлоқ жойларида кино хизмати кўрсатиш топшириқлари доимо бажарилмай келади. 1954 йилда қишлоқ жойларида ҳар ойда ўрта ҳисобда 79 та киноусановка бекор турган. Натижада айрим районларда колхозчилар неча-неча ойлаб кинокартина кўрмай келадиб. Кинофикация ходимлари фан, техника муваффақиятларини ва илғор иш тажрибасини қониқарли пропаганда қилмаётирлар. Масалан, чигитни торқаторлаб ва квадратуялаб экиш учун техникани мослаш тўғрисидаги жуда муҳим бўлган кўлланма фильм Каттақўрғон, Вобкент ва Оқдар'ё районларида мутлақо кўрсатилмаган. Экиш кампаниясе айни авж олган бир пайтда Самарқанд областидаги кинопрокат конторасининг омборида «Пахта далаларининг квадратлари» номли кинофильмнинг бешта копияси фойдаланмасдан бекор ётган.

Маданият министрлигига қарашли нашриётлар ва китоб савдоси корхоналарининг ишида ҳам катта камчиликлар бор. Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳнат унумдорлигини ошириш, пахтачиликни янада юксалтириш ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун, техникани мукаммал эгаллаб олиш учун кураш тажрибасини пропаганда қилучи китоблар ҳам нашр этилмоқда. Китобларнинг сифатсиз нашр этилаётганлиги, адабий асарларни ўзбек тилига таржима қилган вақтда хатоларга йўл қўйилаётганлиги тўғрисида китобхонларнинг шикоятлари ўринлидир. Ўзбек китобхонининг ҳозиргача ўз она тилида Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Некрасов, Белинский ва рус адабиёти бошқа классикларининг тўла тўпламларига эга бўлаолмаганлиги мутлақо гайритабиий бир ҳолдир. 1954 йилда республиканинг китоб нашриётлари тематик планларини бажармаганлар, маҳсулотнинг нархи ошиб кетишига йўл қўйганлар. Қишлоқ хўжалик адабиётини, ишлабчиқариш новаторларининг илғор тажрибасинв пропаганда қилучи илмий-техника темасидаги китобларни тарқатиш яхши уюштирилмаган.

Кенгашда маданий-оқартув муассасаларининг — кутубхоналар, клублар, ўқишхоналар, маданият уйлари, лекция бюролари ва лекторлик группаларининг ишини кескин суратда яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу муассасаларнинг иши кўпинча конкрет хўжалик-сиёсий вазифалардан ажралиб қолган, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш талабларига тўла жавоб бермайди. Кенгашда лекция пропагандасининг паст савияда олиб борилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Табиий-илмий темаларда, фан ва техника муваффақиятлари, илғорларнинг иш тажрибалари ҳақида лекциялар кам ўқилмоқда, ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши, хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатда бўлиш ҳолларига қарши, турмушда учраётган қолоқ урф-одатларга қарши етарли кураш олиб борилмаётир. Лекция бюроларининг путевкалари билан етарли тайёргарлиги бўлмаган, масалаларни тушунтириб беришда қўпол хатоларга ва чалкашликларга йўл қўяётган кишиларнинг, ба'зан ҳатто буни шахсий манфаати учун касб қилиб олган халтурачиликларнинг лекция ўқишлари жаби ҳоллар ҳам оз эмас.

Қишлоқлардаги кўпгина клублар ва маданият уйлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қишлоқ клублари ва маданият уйлари колхозчиларнинг, механизаторларнинг ва совхоз ишчиларининг маданий дам олишини уюштирмайдилар, қишлоқда маданиятни янада юксалтириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмайдилар, бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришга етарли э'тибор бермайдилар.

Радиоинформация Бош бошқармаси ҳақида ҳам бирқанча танқидий мулоҳазалар айтилди. Радиоинформация Бош бошқармасининг эшитиришлари ба'зан актуал ва ғоявий жиҳатдан юксак даражада эмас.

Кенгашда қайд қилиб ўтилишича, идеология ишидаги мана бу жиддий хато ва камчиликларга сабаб, даставвал, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ва унинг Бош бошқармаларининг қониқарсиз ишлашидир. Министрлик жонли ташкилий иш ўрнига кўпинча маҳлисбозлик ва қоғозбозлик билан шуғулланиб келади. Министрлик кадрларни танлаш, уларни иш соҳаларига тақсимлаб қўйиш ва тарбиялаш масаласига жиддий э'тибор бермаган.

Мажлисда СССР Маданият министрининг ўринбосари П. В. Лебедев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ғ. С. Султонов, Ўзбекисотн КП МК фан ва маданият бўлимининг мудири С. Д. Азимов, Ўзбекистон КП МК пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ғ. Ғ. Юсупов ўртоқлар сўзладилар.

Кенгаш қатнашчилари аниқланган камчиликларни тезда тугатишга, республикадаги ижодий ва маданий оқартув-муассасаларнинг ишини яхшилашга қаратилган амалий таклифларни киритдилар. (ЎзТАГ).

Тошкентдаги 1-нчи босмахона коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олди. **Суратда:** ҳарф териш цехининг илғор ишчиси З. **Дроздова**. У, Пленум қарорларига жавобан кундалик смена топширигини 140—150 процентдан бажармоқда.

Н. Меламед фотоси.

Қисқа сатрларда

☆ **«Чирчиксельмаш»** заводининг ишчи ёшлари дам олиш кунларидан унумли фойдаланмоқдалар. Улар коллектив равишда «Октябрь 10 йиллиги» ва Қибрай дам олиш уйларига бориб, ҳордиқ чиқариб келмоқдалар. Уткан якшанба куни ишчи ёшлардан 80 киши «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйида бўлди.

Т. Сихарулидзе.

☆ **Оржоникидзе** районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бу йил янги пионерлар лагери очилди. Лагерь 100 та ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозиргача унда 200 пионер ва ўқучи дам олди.

Ю. Бўғибоев.

☆ **Чиноз** районидаги Тепақўрғон ёнига катта гишт заводи қурилиб, ишга туширилди. Завод қисқа муддат ичида 600 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқарди.

Шунингдек, районнинг Вревск станциясида лимонад заводи ҳам қурилди.

А. Убайдуллаев.

☆ **Хилково** цемент заводининг инженер-технологи Л. Долгополов, айланма печ машинисти К. Фармонов ва слесарь Р. Старков ўртоқлар Қувасой цемент заводига бориб, илғорлар тажрибасини ўрганиб келдилар. Тажриба олмашиш ва ҳамкорлик яхши натижа бермоқда.

А. Павленко.

☆ **Тошкент** шаҳар, Киров районидаги ишчилар шаҳарчаси тобора ободонлашмоқда. 10-нчи трамвай айланаси қаровсиз аҳволда бўлиб, дарахтлар бетартиб ўсиб ётарди. Бу жойга чиройлик фонтан қурилиб, атрофи гулзорга айлантирилди.

Ғ. Исмоилов.

☆ **Янгийўл** район, Ленин номли колхоз кутубхонаси қишлоқ меҳнаткашларининг севимли жойига айланиб қолган. Кутубхона кенг ва ёрут хонага жойланган бўлиб, унинг бадиий, сиёсий ва қишлоқ хўжалигига оид 6 минг томлик китоб фонди ва 400га яқин доимий китобхони бор. Китоб фонди янги чиққан адабиётлар ҳисобига изчиллик билан бойитилиб туради. Яқинда кутубхонага 3015 сўмлик китоб келтирилди. Колхозчилар кутубхона фондидан унумли фойдаланмоқдалар.

С. Облақулов.

☆ **Чиноз** район, Вревск қишлоқ советида трактористлар курси очилди. Ҳозир, курсда колхозчи ёшлардан 180 киши ўқимоқда. Ўқиш практика билан боғлиқ олиб борилмоқда.

С. Мўминов.

КИНО „БЎРОН“

Шу кунларда Тошкент кинотеатрларида И. Войнович драмаси асосида ишланган «Бўрон» номли янги югослав бадиий фильми кўрсатилмоқда. Кенг тамошабинлар оммасини қизиқтираётган бу фильмда югослав халқининг ўтмиши, XIX аср охиррида Адриатика денгизи қирғоқларида жойлашган Дальмацияда бўлиб ўтган воқеа тасвирланади.

Фильмнинг дастлабки кадрлари тамошабинни Адриатика денгизининг ҳушманзара қирғоқлари ва уерда бун'ёдга келган шаҳарча ҳаёти блан таништиради. Кексайиб қолган почтачи аёл эшакка миниб, шаҳарча кўчаларидан ўтиб бормоқда. Кўримсиз ва қоронгу — тор кўчалардан, бўмбўш, бузуқ уйлардан чиққан кишилар почтальондан хат-хабар борлигини сўрайдилар. Уларнинг ози ва ташвишли кўринишлари бу ердаги ҳаёт нақадар оғир экانлигидан, оддий кишиларнинг кун кечириши қийинлашиб қолганлигидан дарак беради. Почтальон йўлида давом этади, ҳовли, кўчалардан ўтиб, капитан Франо Дражич ҳовлисида тўхтайди ва унга Америкага кетиб қолган ёшлик дўсти Нико Мариновичдан келган хатни беради. Унинг келиши аҳолига, шунингдек ёшлик дўсти Франо ҳонадонига янги ташвиш ва қулфатлар келтиради.

Шаҳарча аҳолиси Никонинг келишини сабрсизлик блан кутади. Улар Никони тантана блан кутиб олиш учун эмас, балки ундан Америкага кетиб қолган ёр-биродарларининг дарагини билиш учун шошиладилар. Нико етиб келади. Аҳоли ундан қариндош-уруғларининг аҳволи ҳақида гапириб беришини сўрайди. Нико лафтарини варақлаб, парвосизлик блан, кўп кишиларнинг ўлганлигини, дом-дараксиз йўқолиб кетганлигини айтади.

Мана, Нико Маринович дўсти Франо Дражич даргоҳида. У, Франо блан дўстона суҳбатлашмайди. Балки, унинг ёлғиз қизи Аницани йўлдан оздиришга, уни ўз қурбонига айлантиришга уринади. Нико Франога Аницага уйланишини айтади ва агар у қизини бермаса, эски қарзларини талаб этажагини билдиради. Фильмнинг бу кадрлари соф виждон ва муҳаббатдан бутунлай йироқ бўлган, пасткаш ва золим Никонинг жирканч башарасини фош этади.

Бир куни Нико хонасига Еле Лединович келади. Бу бева, бахтсиз аёлнинг ҳаётини Нико йигирма йил бурун оғир кулфатларга дучор этган, Еле Никога ундан ўғил кўрганлигини айтади ва «мени никохлаб ол» дейди. Нико эса бу гапларга қитдай ҳам илтифот қилмайди, аксинча уни уйдан ҳақорат қилиб, ҳайдаб чиқаради.

Фильмда эксплуатация дун'ёсида соф муҳаббат, инсоний фазилатларнинг тахқир қилиниши бадиий воситалар орқали равшан кўрсатилган. Капитан Франонинг қизи Аница одий дурадгор Ивони севади. Лекин улар ўртасидаги соф муҳаббатга капиталист Нико чанг солади. У, пул кучи ва зўрлик блан қизни ўзига хотинликка олиш учун интилади. Иво, унинг бахтсиз онаси Еле, шунингдек Аницанинг орзу умидлари ҳавф остида қолади. Иво блан Аница қалбларидаги соф муҳаббат туйғуси ёвуз ва виждонсиз Никонинг хирсига қарши курашади. Уз севгисига содиқ бўлган Аница севган йигитига етишиш, у блан бирга бўлиш учун золим отасини ла'натлаб, ундан кечади, уйидан қочади, Иво блан Америкага кетишга қарор қилади. Лекин камбағал, оғир ҳаётнинг раҳимсиз зулми остида эзилган Иво қизни ташлаб ёлғиз ўзи кемага билет олади. Шу пайтда Аницага Ивонинг онаси Еле ёрдам беради. У, хомиладор бўлиб қолган Аницани хўрлашни истамайди, қизга оқ йўл тилаб, уни кемага кузатади. Фильмнинг финали оптимистик руҳда тугалланади. Хўрланган Еле ўғлидан ажралиб, уйида ёлғиз қолиб дод-фарёд чекаётганида унинг устига ёвуз Нико бостириб киради. У яна бечора хотинни қийнайди, уни хўрлайди. Лекин сабр косаси тўлган Еле болта блан ёвуз Никони чопиб ўлдиради.

Талантли артист М. Живанович бир вақтлар Далмация шаҳарчасидан «бахт излаб», чиқиб кетган Нико Мариновичнинг капиталистик муносабатлар гирдобида ёвуз бир маҳлуққа айланганлигини, унинг бутун қилмишлари софдил кишиларга озор беришдан бошқа нарса эмаслигини, ма'навий дун'ёси пуч, тубан бир маҳлуқ экانлигини, инсондаги энг гўзал фазилат — муҳаббатни хор қилганлигини усталик блан фош қилиб ташлаган. Нико артист М. Живанович ижросида қаҳрли коммерсантгина эмас, балки ҳатто ўз ўғлини ҳам аямайдиган, ўзининг хирсини қондириш учун ўғлининг қайлигини тортиб олишдан ҳам тоймайдиган разил одам сифатида гавдаланади.

Иво Лединович артист С. Биелич ижросида самимий, меҳнатсевар, софдил, муҳаббатни улуғловчи виждонли инсон сифатида талқин қилинган. Артист Ивонинг ўз севгилиси Аница блан ширин учрашувларини, устахонадаги қизғин меҳнатини бўрон пайтидаги кемани қирғоққа қайтариш учун жасурлик блан ҳаракат қилишини, Нико блан раҳмсиз олишув эпизодларида усталик блан ўйнаган.

Ивонинг севимли ёри Аница Дражич ролини ўйнаган артист М. Врсайков оддий югослав қизининг пок қалбини, инсоний туйғуларини, ўз номуси, ҳуқуқи ва муҳаббатини ҳимоя қилиш учун курашишга қодир экانлигини ёркин бўёқларда очиб беради. У, раҳмсиз, беномус Никодан жирканади, ўзини комерсантга қул қилиб сотиқчи бўлган отаси капитан Франодан кечади, севимли ёри — Ивога етишиш учун ҳарқандай тўсиқларга қарши жасурлик блан курашади.

Артистка М. Цриобори яратган Еле Лединович образи Югославиянинг ўтмишда жафо чеккан, хўрланган оналарининг типик образидир. Еле Америкага кетиб қолган Никони 20 йил кутади, ундан қолган ёлғиз ўғил Ивони тарбиялайди, ўстиради, унинг бахтли бўлиши учун курашади. Лекин Никонинг виждонсизлиги, Франонинг инсофсизлиги унинг орзуларини рўёбга чиқаришга тўқинлик қилади. Еле эзилган, мўмин аёлдан курашга отланган, исёнкор шахсга айланади.

Сценарист М. Илич, режиссёр В. Погачич, операторлар Й. Пованович, Н. Майдак Югославия халқининг ўтмишдаги азоб-уқубатли ҳаётини реалистик кадрларда ҳикоя қилучи ҳаққоний бадиий киноповесть яратганлар. Композитор К. Барановича фильмнинг бадиий ва ғоявий мазмунига муносиб музыка яратган.

Мамлакатимиз экранларида муваффақият блан кўрсатилаётган «Бўрон» ва «Концерт» (кинодрамма) бадиий фильмлари Югославия киносан'атининг ютуқларини намойиш қилишгина қолмасдан, бу иккі мамлакат ўрасида кучайиб бораётган дўстликнинг яққол ифодаси ҳамдир.

М. ЯХ'ЁЕВ.

Қабул имтиҳонлари олдидан

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти мамлакатимизга кўплаб малакали инженер-механиклар, инженер-гидротехниклар, сув иншоотлари қурилиш ва ер тузиш ишлари бўйича инженерлар етиштириб чиқармоқда.

Институтни тамомлаб чиққанларнинг кўпчилиги ҳозир янги ерларда ташкил этилган МТС ва совхозларда, электростанция қурилишларида муваффақият блан ишламоқдалар.

Шу кунларда институт аудиториялари, ўқув зали, лабораториялар институтга кириш учун келган йигит ва қизлар блан гавжум. Ҳозиргача бирярим мингга яқин йигит-қиз қабул комиссиясига ариза берди. Булар орасида ишчи-ёшлар мактабини тамомлаган Л. Чупринин, А. Йўлдошев ўрта мактабни олтин медаль блан тамомлаган андижонли Тошматов, тошкентли С. Татур, Красноярск ўлкасининг Абакой шаҳридан келган Г. Козлова, Г. Гнусорева, советободлик (Тожикистон ССР) Б. Дурдиев ва бошқалар бор. Шунингдек, ариза берганлар орасида Ватанимизнинг Москва, Ленинград, Урал, Магнитогорск, Хабаровск, Владивосток каби йирик шаҳарларидан келганлар ҳам бор. Кирувчиларнинг 20 процентдан ортиғроғини қизлар ташкил этади.

Институт дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институтга кирувчиларнинг қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишлари учун барча зарур шароитларни яратиб бермоқдалар, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшиламоқдалар. Узоқ жойлардан келганлар учун институт ётоқхонасидан 1000 кишилик жой ажратилиб, зарур нарсалар блан та'мин этилган. Институт кутубхонаси қабул имтиҳонига киритилган фанларга тегишли программа ва методик қўлланмалар блан бойитилган. Акт залида Коммунистик партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, совет ёшларининг ма'навий қиёфаси ва халқаро аҳвол темаларида лекция ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда. Институт бадиий ҳаваскорлари коллективи қизиқарли программада концертлар бермоқдалар. Бундай тадбирларни ўтказишда қабул комиссиясининг мас'ул секретари ўртоқ Иноятов ташаббус кўрсатиб ишламоқда.

Ҳозир қабул имтиҳонлари олинадиган фанлардан институт ўқитувчилари консультациялар ўтказмоқдалар. Физика, химия лабораторияларида консультация амалий тажриба асосида ўтказилмоқда.

Институтга кирувчилар қулай шароитлардан унумли фойдаланиб, кириш имтиҳонларига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Б. ИМОМОВ.

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Муҳим топшириқ

Олинган янги топшириқ жуда муҳим бўлиши блан бирга, уни бажариш ҳам анча мураккаб иш эди. Чунки бу топшириқни бажариш учун ишлабчиқаришни қайта ташкил этиш, технология процессларини янгидан ишлаб чиқиш керак. Муддат жуда қисқа, аммо қилинадиган иш кўп. Технологияни қайта ишлаб чиқиш учун кам деганда 10-15 кун вақт керак. Агрегатни тайёрлаш учун эса яна бир ой вақт талаб қилинади. Демак, трансформатор бирярим ой деганда тайёр бўлади. Ваҳоланки заказчилар завод коллективидан трансформаторларнинг иложи борича барвақт тайёрлаб юборилишини сўрамоқдалар.

Қисқа муддат ичида муҳим топшириқни бажариш масаласини муҳокама қилиш учун директор, бош инженер Ариас, цех бошлиғи Макарчук ва техника бўлимининг инженери Бутенко ўртоқлар директор кабинетида ўтириб, ўзаро маслаҳатлашдилар. Ҳарким ўз таклифини айтди. Ҳаммани ташвишлантираётган нарса шу эдики, завод тарихида шу кунгача бундай трансформатор ишлаб чиқарилган эмас эди. Агар илгари агрегат 380 вольтдан тортиб, 6 минг вольт электр қувватида ишлатиш учун тайёрланса, бу агрегат 110 минг вольт электр қувватини тақсимлаб чиқариши керак эди.

Инженерлар ўзаро маслаҳатлашиб, топшириқни бажаришга дарҳол киришиш лозим эканлиги ҳақида бир қарорга келдилар, чунки ишга дарҳол киришилмаса, муҳим топшириқ ўз вақтида бажарилмай қолиши мумкин.

— Сизнинг фикрингизча, янги агрегатни тайёрлашни қайси бригадага топширамиз? — Директор ўртоқ Хан ўтирганларга мурожаат қилди.

— Менимча, ўртоқлар, — деди цех бошлиғи Макарчук, — бу вазифани ўртоқ Бойко бригадасига топшириш керак. У, бунинг уддасидан чиқади. Унга бемалол ишонишимиз мумкин.

Бу таклиф ҳаммага ма'қул тушди.

Бригада бошлиғи ўртоқ Бойко наряд олгач, бригада а'золарини янги трансформаторнинг чертёжлари блан таништирабошлади. Ҳарбир ишчи чертёж блан, ундаги ҳарбир детальлар блан пухта танишиб чиқди. Бригада а'золарини топшириқнинг мураккаблиги эмас, балки муддатнинг қисқалиги ташвишлантирар эди. Улар қандай бўлмасин, бу муҳим топшириқни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлашга қат'ий қарор қилдилар.

Агрегат 6 катушкадан иборат эди. Унинг биринчи учтасини 110 минг вольтли, яна учтасини эса 6 минг вольтли қилиш керак эди. Трансформатор 110 минг вольтли электр қувватини 6 минг вольтга айлантиришга мўлжалланган. Катушкаларнинг бир қисми ингичка симдан тайёрланади. Бригада а'золаря бу процессни тезлаштириш мақсадида токарьлик станогига махсус мослама ўрнатдилар. Шундай қилиб, кўлда бажариладиган иш механизациялаштирилди.

Броқ, бригада а'золари эндигина ишга киришганларида зарур ўлчовдаги сим йўқлиги аниқланди. Буни базадан келтиргунча анча вақт бекорга кетиши мумкин. Бойко техника бўлими ходимларига мурожаат қилди. У ердаги ўртоқлар ўлчови 3 хилдаги симни бир йўла ўраш блан катушка тайёрлашни маслаҳат бердилар. Бу йўлнинг бир нозик томони бор эди. Бир сим ўрнига 3 симни бирйўла ўраш вақтида улар ўзаро бир-бирига ишқаланиб, изоляция тирналиши ва бу эса оқибатда маҳсулот сифатининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Бригада а'золари бу ҳолнинг олдини олиш учун 3 та барабан ўрнатдилар ва шулар ёрдамида симлар бир-бирига ишқаланмасдан, параллель бўлиб ўралиши та'минланди. Трансформатор катушкаларига сим ўраш белгиланганидан анча илгари тамомланди.

Бригада а'золари трансформаторнинг қолган қисмларини тайёрлаш сур'атини тезлаштириш учун яна бирқанча янгиликларни қўллардилар. Жумладан, унинг бўялган қисмларини қуритиш процессини тезлаштириш мақсадида детальларни чиниқтириш учун ишлатиладиган печьлардан фойдаландилар.

...«Электрощит» заводи маркаси блан ишлаб чиқарилган трансформатор ҳамма синовлардан муваффақиятли ўтиб, Каховка ГЭСига жўнатилди. Шундай қилиб, Каховка ГЭСининг закази 20 кунда бажарилиб, муддатидан илгари жўнатилди.

Пётр Бойко бошчилигидаги бригада а'золари ўзларининг намунали меҳнатлари блан жоллектив ўртасида катта шуҳрат қозондилар. Улар электроагрегатлар ва трансформаторлар тайёрлашда қўшина янгиликларни қўлланиб ишлаётмоқдалар. Бу илғор бригада шу бешйилликнинг ўтган йиллари мобайнида 10 йиллик топшириқни бажариб қўйди. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун бутун бригада а'золари астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг таннархи тобора камаймоқда. Масалан, 1955 йилда 1950 йилдагига қараганда маҳсулот таннархи 50 процентга арзонлаштирилди.

Чирчиқ шаҳридаги «Электрощит» заводининг Пётр Бойко раҳбарлигидаги бригада а'золари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини мамлакатимиздаги ҳамма саноат ходимлари блан бирқаторда зўр мамнуият блан кутиб олдилар. Улар Пленум қарорига жавобан қўлга киритилган ютуқларни янада юқори кўрсаткичларга эришиш блан мустаҳкамлаш мақсадида меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беручи янги резервларни қидириб топмоқдалар. Бригада а'золари бутун завод коллективи блан бир жон-бир тан бўлиб, ягона мақсад йўлида — Коммунистик партия томонидан социалистик саноатимиз олдига қўйилган ғоят катта вазифаларни муваффақият блан бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Суратда: Пётр Бойко олдинги қаторда Каховка ГЭСига юборилиадиган трансформаторни кўздан кечирмоқда.

И. САТТОРОВ.

Редакция почтасидан

Автобусдаги можаро

Республика табиёт музейининг олди — чорраҳа, бениҳоя серқатнов жой. Буерда одамларнинг ғовур-ғувури, кетма-кет ўтиб турган турли-туман машиналар карвонининг ўйғон-ингичка сигналлари сра аримайди. Башарти, шу ерда беш минутча туриб қолгудай бўлсангиз борми, шовқундан қулоғингиз доғ қотиб, бошингиз айланиб, кўзингиз тинади. Тепадан қиздириб турган жазирама офтоб бошингизга бир муштлагандай та'сир этади-да, тўсатдан кўнглингиз озиб, турган жойингизда «шилқ» этиб ерга қулаб тушгидай бўласиз.

Муҳтарам газетхон, «Уша жой шунақа ёмон экан, уерда туриб нима қиласан?» деб та'на қилиши мумкин.

Агар, Сиз, Келесгами, Чигатойгами, Ленин номли колхозгами ёки бошқа томонларга бормоқчи бўлсангиз, ана шу кўнгил озирадиган жойда, албатта, автобусни кутиб туришга мажбурсиз. Чунки, энг катта остоновка шу ер ҳисобланади. Остановканинг номи бору ўзи йўқ. Юзлаб пассажирлар кўчанинг у ёки бу юзида ёзда кун қизигида, қишда қор-ёмғир та'сида тўда-тўда бўлиб автобусни кутиб тураверадилар. Кутдиравериб, диққатни оширган автобус келгандан кейинги «ҳангома»ни кўрсанг'из, юрак тарс ёрилиб кетай дейди, Одамлар «сур-сур» тўполон қилиб, автобусга чиқишади. Унда ўтирган-ўтириб, турган-туриб қолаверади, уёқ-буёққа қайрилиб қараш, хуллас, қимирлаш йўқ. Негаки, автобус ичида нина ташлагани жой қолмайди.

Ана шундай автобуслардан бири — 83-нчи автобусга шу йил 22 июль куни биз ҳам тушиб қолдик. Автобуснинг ичи шу қадар дим эдики, ҳалиги шикоят қилган остановкада турганимиз бунинг олдида ҳолво экан. Айниқса, машинага чиқаётганда шофер С. Зладов блан кондуктор С. Юсупованинг яккаш:

— Зинҳор туринглар, пастдагилар ҳам сизга ўхшаган одамлар, ўз манзилларига етиб олгилари келади, — деб шангилдашлари кишига қаттиқ та'сир қилади.

— Бу одамку, саксаул эмаску, ҳадеб қалаштиравермасанг, — деди ўзини тутаолмай шеригим Бек.

— Қўйинг Бек, сатқайи гапингиз кетсин, — дедим мен.

Автобус 1-нчи Чигатойда, кейин Дарвоза деган жойда тўхтади. Иккала остановкада ҳам кондуктор Юсупова, 6— 7 пассажирдан йўл ҳақини олди-ю, аммо уларга билет бермади. Аллон остановкасида ҳам худди шундай бўлди. Давлатга нисбатан бу хиёнатни кўриб, даргазаб бўлган Бек кондуктор Юсуповага:

— Нега пассажирларнинг пулини олиб, билет бермаяпсиз?! — деди.

Юсупованинг ранги қув ўчди, лаблари қалтираб, тили дудуғланиб қолди.

— Бу одам ҳамма вақт шундай қилади!

— Пул олади-ю, билет бермайди!

— Муттаҳам! — дерди ҳар томондан пассажирлар.

— Ёғон, атиги бир марта билет бермадим, — деди Юсупова.

Биз, Ленин номли колхоздан қайтаётиб, 68-нчи автобусга тушдик. Кондуктор Ғ. Иброҳимов ҳам Юсуповага ўхшаб, пассажирларнинг қарийб 40 процентига билет бермас экан. Биз, Иброҳимовдан «Нимага давлат ҳақига хиёнот қиласиз?» деб сўрганимизда, у бизга турли сабабларни айтди. Охири «жўжабирдай жон»лигини леш қилди. Кейин унинг ёнига автобус шофери В. Кобликов қўшилиб, икки кишилашиб жаврашди...

Хуллас, шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳар автопарки (директори ўртоқ Тюринга қарашли «Музей-Чигатой», «Музей-Белес», «Музей-Ленин номли колхоз» ва бошқа маршрутлар бўйича қатнайдиган автобусларда катта тартибсизлик содир бўлмоқда. Бу автобуслар нормадаги 24 кишига ўрнига 35 — 40 кишини ҳам ташимоқдалар. Айниқса, қария, болали оналар ва ёш болаларга оғир бўлмоқда. Кондукторлар пассажирларга юмшоқ ва маданий муомила қилмайдилар. Кўпинча бақириб, жеркиб гапирадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, автопарк ма'мурияти ва Октябрь район партия, совет ташкилоти раҳбарлари пассажирларнинг кўпдан буён қилаётган талабларини а'тиборга олиб, автобус остановкасида махсус кутиш жойи қуриб бермаётирлар. Меҳнаткашларнинг талаблари тезда амалга оширилиши ва юқорида айтилган маршрутларда автобусларнинг қатновлари тартибга солиниши керак.

М. ИКРОМОВ.

Н. Меламед чизган расм.

Июльнинг қолган саноқли кунларидан унумли фойдаланиб, ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўпланишига эришайлик!

* * *

Мўл ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи палласи

Бекобод районидаги Ленин номли колхозимиз 728 гектар пахта майдонига эга. Шундан 390 гектарига ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилган.

Бу тадбир ғўза парваришини муваффақиятли олиб боришда, меҳнатни тежашда бизга катта ёрдам берадиган квадрат-уялаб чигит экиш оғир қўл меҳнатини енгиллатишда, механизмлардан кенг миқёсда фойдаланишда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Биз тажриба учун 60 гектар ердаги ғўза қаторларини кетмон блан мутлақо ишламадик. Кетмон чопиги ўтказилмаган, икки томонга қараб фақат трактор блан культивация қилинган бу ғўзаларнинг ривожи, ҳосилга кириши бошқа ерлардаги ғўзаларимиздан анча яхши.

Квадрат уялаб чигит эккан Холмат Қўлдошев, Муҳаммеджон Эрматов, Оллоназар Холбеков, Аҳмаджон Муротов ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги ғўзалар, айниқса, яхши ривожланмоқда, бу ерлардаги ҳар туп ғўзада 4—5 тадан бўлуқ кўсак бор. Умуман колхоз бўйича ҳозир 400 гектардан кўпроқ ердаги ғўза қийғос кўсаклайбошлади. Квадрат-уялаб чигит экиш ғўза ягонасида ҳам кам меҳнат сарф қилиб, уни тез ўтказиб олишга ёрдам берди. Ягонани тез ўтказилиши натижасида ғўзалар тиҳка эмас, шохлаб эркин ривожланабошлади, ҳосил шохлари ғўзанинг пастки бўғинидан чиқиб, бир-бирига яқин жойлашиш имкониятига эга бўлди.

Ғўзалар квадрат-уялаб жойлаштирилган 390 гектар ернинг ҳаммасида ҳозиргача 3 марта узунасига, 3 марта кўндалангига культивация ўтказилди. Бу вазифани бажаришда механизаторлардан Еқубжон Алибоев, Жафарали Сиддиқалиев, Раҳмонали Мирзаев, Жалолиддин Абдураҳимов, Турғунбой Жўрабоевлар, айниқса, яхши хизмат қилмоқдалар.

Июль пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим ва энг мас'улиятли палласидир. Чунки, июль ойида ғўзаларни ҳосилга киритиш, мавжуд ҳосилларни нобуд қилмай сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳарқайси ернинг шароитига мувофиқ агротехника қоидалари изчиллик блан амалга оширилиши лозим. Ҳозир бизнинг асосий э'тиборимиз мана шу муҳим ишга қаратилган.

Аввало, биз ғўзанинг озиқлантиришда унинг ривожланишига, ер шароитига қараб иш бошладик. Жумладан, колхознинг 1, 2, 6 ва 8-нчи бригадаларидаги ғўзалар озиқлантирилганда минерал ўғитга маҳаллий ўғит аралаштириб солинди. Қумоқ ва юмшоқ бўлган ерларга эса, силитра берилмади. 4-нчи бригаданинг 10 гектар, 5-нчи бригаланинг 5 гектар, 9-нчи бригаданинг 8 гектар ва 6-нчи бригаданинг 10 гектар ердаги ғўзалари паст, яхши ривожланмаган эди. Бу ерлардаги ғўзалардан кўзда тутилган ҳосил олиб бўлмаслигини назарда тутиб, қўшимча парвариш ўтказмоқдамиз ва нормадан ташқари минерал ўғит бермоқдамиз. Культивация, ўғитлаш, чопиқ ва суғориш ишлари ўз муддатида сифатли ўтказилаётир.

Ҳозирги вақтда ғўзаларни тўла ҳосилга киритиш, вужудга келган ҳосилни нобуд қилмай, тўла сақлаб қолиш ҳарбир пахтакорнинг энг муҳим вазифаси. Бунинг учун биз ўғитлаш, суғориш, культивация қилиш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдамиз. Суғоришни ташкил этиш ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Чунки, деҳқон ғўзани тўғри суғориб ютиши ҳам, нотўғри суғориб ютказиб қўйиши ҳам мумкин. Жумладан ғўзани ҳаддан ташқари тўйдириб суғорилса, ғўза ўсишга зўр бериб, шоналарини ташлаб юборади. Бундан ташқари кўллатиб суғориш ҳам ғўзаларни шона ташлатишга сабаб бўлиши мумкин. Кўллаган сув, айниқса, июль ойида тез исиб кетади, Иссиқ сув ғўзанинг томирларига зарар етказиб, унинг шоналарини тўкиб юборади. Шунинг учун колхозимизнинг Қўшбой Жумабоев, Абди Холбеков, Қосим Қолдибоев, Эргаш Хатомов сингари тажрибали ва моҳир сувчилари ғўзани кечаси салқинда суғоришга, ғўзаларга ме'ёридан ортиқ сув бермасликка, ер ўртасида сувларни кўллаб қолмаслигига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Ғўзани кечаси суғориш чанқаган ғўзаларни тезда тетиклаштиради, илдизларига муздек сув теккан ғўзалар яшнаб кетади. Кундузи иссиқ маҳалда берилган сув, кечаси берилган сувдай бўлмайди, албатта. Шунинг учун биз ҳамма бригадаларда ғўзаларни кечаси суғоришни ташкил этдик. Сувчиларнинг кечаси ишлашлари учун яхши шароит яратилган.

Илгари колхозимизнинг иккинчи участкасида бир бўлак ерга сув қўйиш 15 кунгача чўзиларди. Бу участкада ишловчи ўртоқлар ғўзаларни шундай қондириб суғормасак бўлмайди, деб ўз сўзларини ма'қуллар эдилар. Лекин, тажриба 15 кунлаб «қондириб суғориш» фойдали эмаслигини, аксинча зararли эканлигини, я'ни ернинг ачиб қолишини кўрсатди. Шунинг учун бу ердаги ўртоқлар ҳам бундай усулдан воз кечдилар. Ғўзаларни сувга қондириш учун 15 кунлаб суғориш шарт эмаслигини англадилар.

Шу кунларда ишни нариёан-бери, сифатсиз ўтказиш ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун биз ҳарбир қилинган ишнинг сифатли ўтказиш учун қаттиқ кураш олиб борётирмиз. Ўғитлаш, суғориш, культивация сифати текширилиб, сўнгра қабул этилмоқда. Сифатсиз қилинган иш брак қилинаётир. Айрим бригада бошлиқлари ғўзаларни биринчи ўғитлаш даврида ба'зи хатоларга йўл қўйдилар. Жумладан Оллоназар Холбеков бошлиқ бригада ерлари ёввойи ўтлардан яхши тозаланмай туриб, ғўзалар ўғитланабошлаган эди, колхоз правлениеси буни дарҳол тўхтатди, қилинган ишни бракка чиқарди. Қодир Бўжаев, Маман Бердимуратов бошлиқ бригаларда ҳам айрим иш турлари сифатсиз бажарилгани учун брак қилинди. Иш устидан контрольликни кучайтирилгани, суғориш, озиқлантириш, культивация ишларини сифатли ва кўнгилдагидек ўтказилишига ёрдам бермоқда. Биз июль ойини барча ғўзаларимизни тўла ҳосилга киритиб олиш ва ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун кураш ойи деб э'лон қилдик ва шу мақсад блан кураш бошладик.

Колхозимизда белгиланган бу тадбирларни сўзсиз амалга ошириш учун колхозчилар ўртасида партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни олиб боратир. Правление а'золари колхозчилар орасида илғор бригаларнинг ишларини кенг тарғиб қилаётирлар. Турли темаларда лекциялар ўтказилмоқда. Колхоз клубида кун оралаб кинофильм кўрсатилиб турилади.

Меҳнатсевар ва фидокор колхозчиларимиз партия ва ҳукумат олдида, халқимиз олдида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун ҳозирги ҳал қилучи кунларда фидокорона меҳнат қиладилар.

Акбарали МИРЗАЕВ,
Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг раиси.



Бўка районидаги Маленков номли колхозда хизмат қилаётган универсалчилар ғўза парваришида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётирлар. Илғор универсалчи ўртоқ Рашид Умаров мавсумда 800 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган эди. У, фидокорона меҳнат қилиб, ўз зиммасига олган мажбуриятини ортиги блан бажарди. Суратда: ўртоқ **Р. Умаров** культивация қилаётир. **Э. Душабоев** фотоси.

Ҳосил тўплаш ойи уюшқоқлик блан ўтказилмоқда

Ўртасарой районидаги Будённий номли колхознинг азамат пахтажорлари, бу йил янги, прогрессив усулни кенг қўлланиб, 1200 гектар пахта майдонининг ҳаммасига квадрат-уялаб ва торқаторлаб чигит эккан эдилар. Колхозчилар экиш даврида эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаш мақсадида ғўза парваришини ҳам зўр уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар.

Колхозда ғўзаларни чопиқ ва культивация қилиш, суғориш ва озиқлантириш ишлари бир-бирига боғлиқ ҳолда ўз вақтида олиб бормоқда. Звено ва бригадаларарО бошланган социалистик мусобақада олдинда бориб, бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаётган ўртоқ Т. Раҳимов бошлиқ бригада а'золари, 64 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун барча куч ва имкониятларни ғўза парваришига тўла сафарбар этмоқдалар. Мавжуд ишчи кучлари ва моддий техникадан тўла ва унумли фойдаланилаётир.

Ҳозир бригаданинг ғўзалари учинчи чопиқ ва тўртинчи культивациядан тўла чиқарилди, уч марта маҳаллий ва минерал ўғитлар блан озиқлантирилиб, қондириб суғорилди.

Яшил квадратларда гўркираб ўсаётган бригада ғўзалари иккитомонлама парвариш қилинмоқда. Ғўзаларнинг культивация қилишда 1-нчи МТСнинг ўртоқ Ли Володя бошлиқ трактор бригадаси механизаторлари алоҳида ташаббус кўрсатиб ишлаётирлар.

К. СУЛТОНОВ.

„Мард майдонга чиқсин“

«Муштум» журналининг рейд бригадаси яқинда республикамизнинг колхозларида бўлди, далада қилинаётган ишларнинг «сарагини — саракка, пучагини-пучакка айириб» чиқди. Журнал «редколлегия ва махсус бригада а'золаридан бўлган Ғафур Ғуломнинг сафар хотираларидан бир шингил»ини махсус сонда босиб чиқарди.

Рейд бригада а'золарининг Пискент районида аниқлаган камчиликларини Ғафур Ғулом ўткир сатирик тил, киноя, пичинг, сўз ўйини ва бошқа ҳажвий воситалар орқали фош қилиб ташлайди. Пискент районининг кўп йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажараолмай, судралиб келаётганлиги, бу йил ҳам аҳволнинг оғирлиги кўрсатилади.

Ғафур Ғулом ғўзани айни парвариш қиладиган пайтда «далада иш йўқ» деб ўз томорқасидан чиққан маҳсулотни бозорга ташиндан бўшамайдиган айрим колхозчиларни, овчиликка берилиб «матроб кўтарган мубталолар»ни, далага сув бостириб юборган бригадаларни, дўппини ярмта қилиб, шўрва ичишдан бошқа нарсага қўли тегмайдиган бошлиқларни ҳажв қилади.

Айниқса, Пискент районидаги Сталин номли колхозда ғўза парваришининг жуда ёмон аҳволда эканлиги, колхоз раиси Ҳайдаровнинг, «...эса раҳбар кишиларга хос фазилатлардан тамоман маҳрум, қирриқ киши» эканлиги, колхозда бекорчилар кўпайиб кетишига йўл очиб берилганлиги, чорвачилик соҳасида катта камчиликларга йўл қўйиб, 480 бош қўйни беш килограммдан ҳисоблаб топшириб, қўйни хўроздан ҳам қадрсиз қилиб юборганини қаттиқ қоралайди.

Жданов номли колхоздаги дала ишларининг сифатсизлиги, ғўза парваришининг судралиши, далада нуқул хотин-қизлар ишлаб, эркақларнинг ялло қилиб юрганлиги таҳқид қилинади.

Қизлари ўз меҳнатини гул дебон савго қилур.
Эрлари номардлик бозорида гавго қилур.

Ғ. Ғулом мақола охирида шундай дейди:

«Вақт ғанимат. Долзарб пайт келди. Шу қимматли кунларнинг ҳар соати-ҳар минутидан унумли фойдаланиб, чўкиб қолган ғўзаларимизни етук ғўзаларга етказиб олайлик. Июль ойининг баракали кунларида мўл ҳосил тўплайлик.

Ҳозирги шиоримиз битта: «Мард майдонга чиқсин!»

* * *

Ғўза парваришининг сифатига э'тибор бермаётирлар

— Бу картадаги ғўзалар, — дейди МТС партия ташкилотининг секретари ўртоқ Йўлдошев, — Хрушчев номли колхознинг биринчи бригадасига қарашли. Ҳозирги бригада бошлиғи Абдуллаев колхозда кўп йил дала мудири бўлиб ишлаган эди. Ишни йўлга қўйиб олди, ғўзалари ҳам чакки эмас.

Биз, катта пайкалда чопиқ қилаётган хотин-қизлар томон бордик. Тўрт ўсмирдан бошқа битта ҳам эркак кўринмайди. Ҳайриддин Баҳрамов блан Қаҳрамон Сайдакбаров ёнма-ён туриб чопиқ қилмоқдалар. Биз, Сайдакбаров блан суҳбатлашганимизда, у:

— Мен комсомоллар блан бирга бошқа бригадада ишлаётган эдим. Икки кундан буён шу бригадага келиб, ойим ҳисобига ишламоқдаман.

Ма'лум бўлдики, бригадада айрим колхозчилар ўз ўрнига ўғли ва қизини юбориб, ўзлари бошқа ишлар блан бандлар. Табельчи Қудратиллаев бу ҳолни билатуриб, ўқучилар ишлаган меҳнатни онаси ва бошқа қариндошлари ҳисобига ёзмоқда.

Мақталган бригаданинг ғўзаларида ҳосил шохлари кам, шона, тугунчалар унча кўп эмас. Ҳатто, энди, шоналаётган ғўзалар ҳам бор. Демак, ҳосил тўплаш ойида ғўза парваришининг, айниқса ҳосилга кирмаган, ўсишдан қолаётган ғўзаларни қунт блан алоҳида парвариш қилиш зарур. Броқ, Хрушчев номли колхозда ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги мас'улиятли кунларда ишни сифатли қилиб бажаришга эришилмаётир.

Мана, ўртоқ Абдуллаев бошлиқ биринчи бригаданинг катта картадаги ғўзаси. Бу майдондаги ғўзалар икки кун илгари суғорилган, ҳали лой, тобга келмаган. Бригада бошлиғининг «вақт ғанимат, лойроқ бўлса ҳам чопиқ қилаберинглар, кетидан культивация соламиз, билимгай кетади» деган нотўғри кўрсатмаси блан бир группа колхозчилар қаторларга ҳаккам-дуккам кетмон уриб «чопиқ» қилаётирлар. Табельчи Қудратиллаев эса брак ишни кўрабилатуриб қабул қилган.

Колхознинг Жалолов, Қулмуҳамедов ўртоқлар бошлиқ бригадалари бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Ғўза парваришини бу ва бошқа бригадаларда олинган юксак мажбуриятни та'минлайдиган даражала уюштирилмаган. Ўртоқ Жалолов бошлиқ иккинчи бригада шийпони атрофидаги ғўза ўсишдан қолган, сарғайиб кетган, гул тепага чиқиб кетган. Шона ва гуллари тўкилмоқда. Чунки, ғўза озиқлантирилиб, ўз вақтида суғорилмаган. Бунинг устига культивация қилинмаган ва чопилмаган. Бригаданинг ўртоқ Ҳасанова бошлиқ звеносига қарашли 15 гектар ердаги ғўзаси ҳам худди шу аҳволда. Ғўза 8 кун илгари бир марта суғорилган-у, трактор бўлмаганидан культивация қилинмаган. Сводкада бу пайкалдаги ғўзалар 3-нчи чопиқдан чиқарилган. Звено бошлиғи Ҳасанованинг э'тироф қилишича, ғўза бир марта чопиқ қилинганича ташлаб қўйилган. Бунинг сабаби шундаки, звено бошлиғи Ҳасанова кўп вақт ўз участкасида ишламайди. Колхоз раиси ўртоқ Ваққосовнинг буйруғи блан бошқа бригадаларга бориб ғўзаларни ўтдан тозалашга ёрдам беради. Шунинг натижасида звенонинг ғўзалари ўз вақтида парвариш қилинмаган, тизза бўйи ўт кўкариб чиққан.

Колхоз раиси ўртоқ Ваққосовнинг бундан хабари борми? Хабаригина эмас, у бу ҳолни ўз кўзи блан ҳар куни кўради. Бригадага улов ва культиватор беркитилмагани ҳам унга ма'лум. Лекин ўртоқ Ваққосов буни кўриб, кўрмасликка солади.

Колхозда меҳнат интизоми ҳаддан ташқари бўшашиб кетган. Далада оммавий-сиёсий ишлар ва социалистик мусобақа йўлга қўйилмаган. Колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит вужудга келтирилмаган. Аванс бериш у ёқда турсин, дала шийпонларида иссиқ овқат ташкил этилмаган. Шу сабабли ўртоқ Қулмуҳамедов бошлиқ бригада а'золари ҳар куни 3—4 километрдан қатнаб ишлайдилар. Колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Сулаймонов, химизатор Нуруллаев ва бошқа активларнинг бригадага беркитилган оила а'золари ҳанузгача далага чиқиб ишлаган эмаслар. Бригада табельчиси Акбаров колхозчиларнинг қилган ишларини ўз вақтида қабул қилмайди, ҳафталаб меҳнат куни ёзмайди. 14—15 июль куни дала ишига қатнашган 29 колхозчининг биттасига ҳам меҳнат куни ёзилмаган. Бундай аҳвол колхознинг бошқа бригадаларида ҳам кўплаб содир бўлаётир.

Биринчи МТС зонасидаги ўртоқ Зокиров раис бўлган Ленин номли колхозда ғўза парвариши ҳамон уюшқоқсизлик блан олиб борилаётир. Ҳалигача биринчи озиқлантириш ва суғориш тамомланмаган. Ғўза парваришига ажратилган колхозчилар дала ишига тўла қатнашмайдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорида ҳам Ленин номли колхоздаги юз берган камчилик тезда бартараф қилиниши кўрсатилган эди. Афсуски, колхоз раиси Зокиров, партия ташкилотининг секретари Азимқулова, МТС ва колхоз агрономлари Қабдулов, Азимов ўртоқлар қарордан кейин ҳам ишда жиддий ўзгариш ясамадилар. Аксинча бепарволикка берилиб кетдилар.

Ўртоқ Янишбоев бошлиқ бригаданинг 77 гектар майдондаги ғўзаси 4 ой мобайнида бир марта ҳам суғорилмаган. Ғўзалар сувсизликдан ўсмаган, шохламаган. Ғўзанинг шона ва гуллари тўкилмоқда. Бу бригадада ғўзани суғориш агротехникаси қўпол равишда бузилаётир. 77 гектарлик картанинг икки томонидан сув таралиб, ғўза ўртаси қўллаган. Бунинг натижасида ғўзани культивация қилиш ва чопиқ мумкин бўлмаётир. Бир томони етилса, иккинчи томони ўтиб кетмоқда.

Биргина бу бригадада эмас, колхознинг деярли ҳамма бригадаларида ҳам ғўзани суғориш мутлақо ёмон ташкил қилинган. Ўртоқ Зокировнинг таклиф блан ғўзани суғориш учун етарли миқдорда одам кучи ажратилиши, суғориш кеча-кундуз ташкил қилиниши керак эди. Аммо қарор ёзилди-ю, амалга оширилмади. Сув контрольсизлик орқасида исроф қилинаётир.

Ўртачирчиқ райони биринчи йилларидан буён давлат пахта тайёрлаш планини бажармайди. Кейинги йилларда ҳосил гектар бошига 7 центнерга камайиб кетди. Бу, ғўза парваришининг сифатига э'тибор берилмай, рақам кетидан қувилиши натижасида содир бўлмоқда. Район партия, совет ташкилотлари, МТСларнинг раҳбарлари ва колхоз раислари айрим пайкалларда яхши ривожланиб, ҳосилга кирган ғўзаларнинг кўкига магрурланиб, дала ишларини сусайтириб юбормоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Бедани маккажўхори орасига экишни кенг қўлланайлик

Областимиз колхозларида ҳар йили беда майдони белгиланган миқдорда бўлмайди. Чунки, биринчидан, баҳори беда экиш плани бажарилмайди; иккинчидан, баҳорда экилган беда ноқулай об-ҳаво шароитига ва тупроқда намнинг кам пайтига тўғри келиб қолади, шўр ерларда эса, беда униб чиқиш олдида тупроққа шўрнинг энг кўп тепган пайти бўлади. Шунинг учун ҳам баҳорда экилган беда кўп жойларда ола чиқали, ба'зи ҳолларда чиқмай ҳам қолади. Бу камчилик яна шу блан чуқурлашадики, кўп ҳолларда об-ҳаво шароити ноқулай бўлганидан областьдаги кўп колхозлар баҳори беда экишни февраль ойида ва мартнинг биринчи ярмида барвақт ўтказолмай, мартнинг иккинчи ярмида ва апрель ойида ўтказадилар, бу пайтда беданинг униб чиқиши учун об-ҳаво шароити яна ҳам қийинлашади.

Бедани текис ундириб олиш учун тупроқда нам етишмаганидан баҳорда экилган бедани суғоришга тўғри келади. Аммо тажриба шуни кўрсатдики, баҳорда экилган бедани суғориш жуда қийин бўлади, чунки колхозлардаги асосий куч бу пайтда асосан чигит экиш блан ёки чигитни текис ундириб олиш ишлари блан банд бўлади, сув эса кўп ҳолларда чигит сувига фойдаланилади.

Шунинг натижасида областьдаги колхозлар беда экишнинг биринчи йили гектаридан 10—15 центнердан хашак оладилар. Оржоникидзе ва Янгийўл районларининг колхозлари ва Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозигина гектаридан 25—30 центнер атрофида ҳосил етиштирадилар. Ана шундай аҳвода ҳатто бедани арпага аралаштириб экиб, гектаридан 7—8 центнер атрофида ҳосил олганда ҳам беда экилган сувли унумлор ердан рентабель фойдаланилмайди ҳамда беда экилган ерлар колхозлардаги маҳсулдор чорва молларини тегишли миқдорда пичан блан та'минлайолмайди.

Бу масалани маккажўхори ва оқжўхори экиш ҳисобига ҳал этиш мумкин. Маккажўхори ва оқжўхори шароитимизда думбуллигида консерва қилиш учун ўрта ҳисобда гектаридан 70 — 75 центнердан сўта беради, силос бостириш учун камида 250 центнер кўкпоя беради. Агар дон ҳолида олишга қолдирилса, ўрта ҳисобда 30 центнерга яқин дон тўкади. Бундан юқориколорияли ем сифатида фойдаланиш мумкин.

Областимизнинг колхозлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш учун курашиб ем-хашак экинлари майдонини анча кенгайтирдилар. 1955 йилда асосий ем-хашак экини бўлган маккажўхори майдони бирнеча марта ошди.

Ҳозир колхозлар ва МТСлар баҳори экин майдонларида ҳосил ўрим-йиғимини кучайтириш блан маккажўхорини такрорий экишга тайёрланмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси уларга ем-хашак ресурсларини кескин равишда оширишга ва шу асосда чорва моллари сонини янада кўпайтириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

Гап шундаки, мавжуд бўлган маккажўхори ва бошқа ем-хашак экинлари майдони бу экинлардан юқори ҳосил етиштирилган тақдирда ҳам тегишли миқдорда хўл ем-хашак ва ем олишни та'минламайди.

Экинларни нотўғри жойлаштириш фактлари ҳам кўп учрайди. Бу йил кўп колхозларда маккажўхори дарахтзорларга яқинлан ўзлаштирилиб, яхши тайёрланмаган ёки чорвачилик фермасидан узоқда бўлган участкаларга экилди. Буларнинг ҳаммаси маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришни ва маккажўхорининг кўкпоясидан фойдаланишни қийинлаштиради.

Тасодифий танланган участкаларда машинада икки томонга қараб ишлаш қийин. Узоқ участкаларда етиштирилган кўкпоя ва сўталарни силос бостириш жойига ташиб келтириш учун кўп миқдорда транспорт воситалари талаб этилади, ба'зи ҳолларда уларни узоқ ердан ташиб келтириб ҳам бўлмайди.

Буларнинг ҳаммасидан маккажўхорини асосий олмошлаб экиш (пахта-беда, сабзавот-беда ва бошқалар) даласига киритиш блан қутулиш мумкин. Экинларни ана шундай жойлаштирганда, маккажўхори суғориладиган ҳамма экин майдонининг 10 процентигача қисмини ишғол қилиши ва механизациядан ҳамда химизациядан кенг фойдаланиш асосида бу экинлардан мўл ҳосил олиниши мумкин бўлур эди.

Маккажўхорининг олмошлаб экиш даласига киритилиши асосий экинлар (пахта, луб экинлари, сабзавот) майдонининг камайтирилмаслиги керак. Бунга ўша йили беда экиш учун ажратилган ерга маккажўхори ҳам экиш орқали эришиш мумкин.

Беда экиш учун ажратилган далаларга апрельнинг биринчи ярмида маккажўхори экилса ва кейинчалик маккажўхори қатор ораларига ёзги пайтда беда уруғи сепилса, силосбоп яхшигина кўкпоя ва думбул сўта олиш мумкин. Маккажўхори ўриб-йиғиб олинганидан кейин эса беданинг ўзи қолиб, йил охиригача бир марта қуруққа ўриб олиш мумкин.

Маккажўхорининг бир гектаридан олинган 70 центнер думбул сўтаси ва 250 центнер кўкпояси 6550 озуқа бирлигини ташкил этади. Ма'лумки, бизнинг шароитимизда маккажўхоридан икки марта ҳосил олиш имконияти бор. Иккинчи марта экилганда ҳосил силос учун кўкпоя сифатида ўриб-йиғиб олинади. Шунинг ўзидан қўшимча 3500 озуқа бирлиги оламиз. Шундай қилиб, маккажўхори экилган бир гектар ер бемалол 10000 озуқа бирлигига тенг бўлган сўта ва кўкпоя беради.

Бедата қўшимча равишда 10000 озуқа бирлиги миқдорида маккажўхори ҳосили олиниши беда ва маккажўхорини якка қаторлаб экиш масаласини, я'ни ўша йили экиладиган беда майдонига маккажўхори экиб, маккажўхори орасига беда сепиш кераклиги масаласини ўртага қўяди.

Колхозларда кўп йиллардан бери ғўза орасига беда сепиб келинади, бу тадбир ўз вақтида ўтказилган жойларда анча яхши натижаларга эришилди. Аммо, ҳаммавақт ҳам июль ва август ойларида ғўза орасига беда экиб бўлмайди, чунки бу пайтда ғўза қатор ораларини ишланади, шунинг учун ҳам кўп ҳолларда ғўза ораларига бедани сентябрь, ҳатто октябрь ойида сепилади.

Беда кеч экилганидан ноқулай об-ҳаво шароитига тўғри келиб, ўриб олингунча илдиз отолмайди, пахта терими пайтида босилиб кетади ҳамда кузги совуқдан ҳалок бўлади.

Бедани маккажўхори орасига экканда бу нуқсон йўқотилиши мумкин, чунки баҳорда экилган маккажўхори орасига июль ойларида — маккажўхори қатор оралари сўнгги марта ишланиб бўлганда экин беда экиш мумкин. Маккажўхори такрорий экилган жойларда эртаги экин ва эртаги маккажўхори ўриб-йиғиб олинганидан кейин—август ойида беда сепиш мумкин.

Бу пайтда экилган беда энг қулай шароитда ривожланиб, йил охиригача яхши ўсиб, иллиз отади, бир—икки марта ўримга келади ва қишгача ўзини яхши тутиб олади.

Бедани маккажўхори орасига экиш блан экилган ҳайдалиб келинадиган, суғориладиган ерлардан рентабель фойдаланиш масаласи, маккажўхорини унинг юқори ҳосил беришини та'минлайдиган фақат суғориладиган ерларга жойлаштириш ҳамда жамоат чорвачилиги учун ем-хашак базасини кўпайтириш масаласи ҳал этилади.

Областнинг илғор колхозлари тажриба тариқасида маккажўхори орасига беда экдилар. Ҳозир бу бедалар текис униб, икки барг чиқарди. Чунки бу бедалар июль ойининг бошларида қулай шароитда, я'ни иссиқлик, нам етарли бўлган пайтда экилди. Шунингдек, беда униб энди ўсаётган пайт учун зарур бўлган соя ҳам етарли эди.

Бекобод районидаги «Красний хлопкороб», Бўка районидаги Каганович номли, Қорасув районидаги Максим Горький номли, Свердлов номли, Оржоникидзе районидаги Сталин номли, Тошкент районидаги Ленин номли, Куйбишев номли, Ўртасарой районидаги Ленин номли, Охунбобоев номли, «XIX партс'езд» ва «Коммунизм» колхозлари, Янгийўл районидаги Сталин номли, Молотов номли колхозлар бедани маккажўхори ораларига экдилар.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз бедани 1954 йилдан бери маккажўхори орасига экади. Шу райондаги «Коммунизм» колхози ҳам бу йил ана шундай тажриба қилиб кўрди. Апрельнинг ўрталарида экилган маккажўхори қатор ораларига 8 майда беда уруғи сепилди. Бу ердаги маккажўхори яқин кунларда силос учун ўриб-йиғиб олингач, тагидаги гўркираб ўсаётган бедани ўриб қўшимча хашак тайёрлаш мумкин.

Қорасув районидаги Максим Горький номли колхозда ўтказилган беда экиш тажрибаси қизиқарлидир. Бу колхозда 2 гектар эртаги қарамнинг ердаги ораларига қўлда квадрат-уялаб маккажўхори экилган, Қарам йиғиштириб олингач, маккажўхори икки томонга қараб ишланган, азот ва фосфор солиб ўғитланган, шундан кейин маккажўхорининг қатор ораларига ҳам беда уруғи сепилган. Шундай қилиб, бу участка сабзавотчилик хўжалигида экиладиган яхши жойлаштиришнинг ҳамда унумдор сувли ердан рентабель фойдаланишнинг намунаси бўлиб хизмат қилади.

Бедани маккажўхори орасига ёзда эккан колхоз ва совхозлар уйлан юқори ҳосил олишнигина эмас, балки шу йилнинг ўзида ҳам бир—икки марта ўриб олишни мўлжаллайдилар.

Маккажўхори орасига экиладиган бедани нинг асосий агротехникаси қандай бўлади?

Бедани икки муддатда экиш мумкин. Кўкламда эртаги қилиб экилган маккажўхори орасига бедани 25 июльгача, такрорий экилган маккажўхори орасига 20 августгача беда экиш лозим.

Маккажўхори орасига беда экиш учун биринчи галда олмошлаб экиш тўғрисида тузилган картага мувофиқ 1956 йил баҳорида беда сепишга мўлжалланган ер ажратилмоғи лозим. Ажратилган ер текисланган бўлиши шарт, токи сув текис ёйиладиган, маккажўхори эса икки томонга қараб ишланадиган бўлсин.

Маккажўхори орасига бедани маккажўхори қатор оралари машинада ишланиб, қўшимча озиқлантирилгандан кейин, ўсимлик гулга кирмасдан экиш лозим, токи маккажўхорини ўриб-йиғиб олгунча беда 2—3 барг чиқариб олсин.

Беда экиш олдидан маккажўхори қатор оралари узунасига ва кўндалангига 8—10 сантиметр чуқурликда яхшилаб культивация қилиниши керак. Бунда қатор оралари ва уя оралари яхши юмшатилади.

Маккажўхори орасига беда уруғини қўлда, кам бўлмаган нормада сепилади. Уруғ экиш олдидан нитрагин блан дориланади, экишда уруғнинг ҳамма ерга бир текис тушишига э'тибор бериш лозим.

Уруғ сепилгандан кейин участка оз миқдорда сув блан суғорилиши керак. Бу уруғнинг ниш қалашини ва текис униб чиқишини тезлатади.

Баҳорда экилган маккажўхори орасига беда экилганда маккажўхорининг сўтаси ва поясі йиғиштириб олингач, бедани дарҳол суғориш керак, кейинчалик бедани одатдагича парвариш қилинаверади.

Эни униб чиққан бедага зарар етказмаслик учун маккажўхорини ўриб-йиғиб олганда унинг илдизини суғуриб олиш ярамайди.

Такрорий экилган маккажўхори орасига беда экканда, албатта маккажўхори квадрат-уялаб экилган, ўсимлик сийрақроқ қолдирилган участкани танлаш керак. Чунки ўсимлик жуда қалин бўлса, сентябрь ва октябрь ойида беданинг униб чиқиши қийин бўлади.

1956 йилда ҳамма ерда пахта-беда алмошлаб экиш даласидаги беда экиладиган ерга маккажўхори ва беда экишга кўчиш ҳамда ем-хашак тайёрлаш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун ҳарбир колхоз шу йил баҳорда экилган ва такрорий экилган маккажўхори ораларига беда сепмоғи лозим.

А. ИБРОҲИМОВ,
Н. ТРЕГУЛОВ.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгаши

ЖЕНЕВА, 22 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун эрталаб тўрт давлат ташқи ишлар министрлари ўзларининг тўртинчи мажлисларига тўпландилар. Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг ташқи ишлар министрлари кенгаш кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилишларида уларга қўлланма бўладиган директиваларининг проекти масаласи кўриб чиқилди.

* * *

ЖЕНЕВА, 22 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ҳукуматларнинг бошлиқлари ташқи ишлар министрларига беришлари лозим бўлган директивалар ҳақидаги масаланы муҳокама қилаётган ташқи ишлар министрларининг мажлиси тамом бўлиши бланоқ ҳукумат бошлиқлари соат 17 да мажлисга тўпландилар.

Ҳукумат бошлиқларининг мажлиси Д. Эйзенхауэр раислигида очилди.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари ташқи ишлар министрларининг иш натижаларини тинглаб, ташқи ишлар министрларининг кенгашида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ҳукумат бошлиқларига ўз тавсияларини тақдим қилмоқ учун ўз ишларини давом этдиришни министрларга топшириш тўғрисида бамаслаҳат қарор қабул қилдилар.

Сўнгра ҳукуматларнинг бошлиқлари кун тартибидаги тўртинчи моддани: «Ғарб блан Шарқ ўртасидаги алоқани ривожлантириш масаласи»ни муҳокама қилишга киришдилар.

Бу масала юзасидан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Д. Эйзенхауэр, Ғарб блан Шарқ ўртасидаги алоқани ривожлантириш масаласи халқаро кескинликни юмшатишга ва жаҳонда мавжуд бўлган хавотирликни камайтиришга эришишдан иборат умумий мақсад блан чамбарчас боғлиқ масалалир, шу сабабли бу масала алоҳида, ажратилган ҳолда муҳокама қилиниши мумкин эмас, деди. Д. Эйзенхауэрнинг фикрича, ғарб блан шарқ ўртасидаги алоқани ривожлантириш мақсадида қуйидаги конкрет тадбирларни ўтказиш зарур бўлур эди:

1. Ҳозирги вақтда халқлар ўртасида информациялар ва идеяларни айирбошлашга тўсқинлик қилиб турган ғовлар пасайтирилсин.

2. Бутун дун'ёда тинчлик мақсадларида бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиш имкониятига тўсқин бўлиб турган ғовлар пасайтирилсин. Бу нарса ҳаммамизнинг бир-биримизни яхшироқ англаб-тушиниб олишимизга имкон берур эди, деди Д. Эйзенхауэр.

3. Жаҳондаги мамлакатларни тинч вазиятда товар айирбошлашни кўпайтиришга рағбатлантирадиган шароит вужудга келтирилсин.

Сўнгра Д. Эйзенхауэр, ҳамма турлардаги алоқаларнинг, шу жумладан радиоэшитдиришлар ва саёҳатларнинг чекланиб қўйилганлиги жаҳоннинг ба'зи зоналарида алоҳида шакл олди ва ўзаро ишончсизлик туғдирмоқда, деб қайд қилди. У, кейинги ўн йил давомида Америка ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилмоқ учун одамларнинг қатновини ва алоқа қилишларни бирмунча чеклаб қўйишга тўғри келди, деди.

Д. Эйзенхауэр сўзида давом қилиб, бу кенгаш ўзаро тушуниш ва ишонч йўлида ғов бўлиб турган иккинчи даражали ва муҳим тўсиқларни йўқотишга имкон берадиган конкрет тадбирлар кўрмоқ учун негиз солиш имкониятига эгадир, деган фикрни айтди.

Сўнгра Д. Эйзенхауэр савдо-сотиқ масаласига ўтди. У, савдо-сотиқ барча мамлакатлардаги гражданларнинг турмуш шароитини яхшилаш ишида муҳим фактордир, деди. Броқ, деди у, савдо-сотиқнинг бу соҳада энг кўп роль ўйнайдиган бўлиши учун у кенг ҳажмда бўлиши ва бутун дун'ёга ёйилиши лозим. Шу муносабат блан Д. Эйзенхауэр кам тараққий қилган мамлакатларнинг халқларига ҳозирги замон техникаси ва ҳозирги замон техника кадрлари блан, шунингдек уларга капитал ва кредитлар бериш йўли блан ёрдам кўрсатиш зарур деган масалага тўхталди. У, атом фанининг бунинг учун жуда катта имкониятлари бор, деди.

АҚШ президенти, савдо-сотиқ ялпи тинчликка ва фаровонликка эришиш учун ҳали ҳам асосий фактор бўлиб келмоқда, деб та'кидлади. Д. Эйзенхауэр айтдики, савдо-сотиқни чеклаб қўйишни бекор қилиб қўядиган шароит вужудга келтириш мумкин бўлса ва бу чеклашлар аста-секин йўқотилаборса, бутун дун'ёда эркин ва дўстона равишда фикр олишиш ва одамларни бир-бирига юбориш жорий қилинса, у ҳолда савдо-сотиқ биз интилаётган мақсадларга эришиш йўлидан бориши мумкин.

Франция бош министри Э. Фор шу масала юзасидан гапириб, халқлар ўртасида алоқа боғланиши халқлар ўртасидаги кескинликни юмшатишнинг муҳим факторидир, деди. Франция ҳукумати, деди у, давлатлар ўртасида ишонч ва дўстлик ўрнатилишига ҳамиша тарафдор бўлиб келди. Э. Фор бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга боришни осонлаштиришга, маданият соҳасида халқлар ўртасида алоқани ривожлантиришга қаратилган таклифни Франция делегацияси номидан тақдим қилди.

Э. Фор маданият соҳасидаги ўзаро алоқа тўғрисида гапириб, бу ишни тўғри ривожлантирмоқ учун махсус ташкилот тузиш мумкин бўлур эди, бу ташкилот ҳарқандай суиистеʼмолларга йўл қўймайдиган ташкилот бўлаолур эди, деди. Э. Фор информация соҳасида айирбошлаш зарурлигини ҳам қайд қилиб ўтди. Шу блан бирга у, турли мамлакатлар блан қай хилдаги информацияларни айирбошлаш мумкинлигини белгилаб қўйиш лозим, деди. Сўнгра Франция бош министри, айрим мамлакатлар ўртасида савдо йўли блан айирбошлашни, (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва хўжаликнинг бошқа ҳамма тармоқлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни айирбошлашни) кенг равишда ривожлантириш керак, деди. Шу муносабат блан у, транспорт ва энергетика масалалари блан шуғулланаётган ташкилотда Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг биргаликда қатнашуви муҳимлигини кўрсатиб ўтди ва Европада умумий инвестицион фонди тузиш масаласини ўрганиш мумкин бўлур эди, деди.

Сўнгра Буюк Британия бош министри А. Иден, Ғарб блан Шарқ ўртасидаги алоқани ривожлантириш масаласини муҳокама қилишни ҳозирча тўхтатиб туриб, бу масалани муҳокама қилишга кейинроқ қайтиш керак, деб таклиф қилган эди, қолган ҳукуматларнинг бошлиқлари бу таклифга рози бўлдилар.

Ҳукуматлар бошлиқларининг эндиги мажлиси 23 июль эрталаб соат 11 да бўлади.

В. М. Молотов Италия ташқи ишлар министрлигининг бош сиёсий директори М. Маджистратини қабул қилди

ЖЕНЕВА, 22 июль. (ТАСС. махсус мухбири). Бугун СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши муносабати блан Женевага келган Италия ташқи ишлар министрлиги бош сиёсий директори элчи Н. Маджистратини қабул қилди.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг мажлиси

ЖЕНЕВА, 22 июль (ТАСС. махсус мухбири) Бугун Ж. Даллес раислиги остида тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда делегацияларнинг маслаҳатчилари ва экспертлари ҳозир бўлдилар.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг мажлисида ташқи ишлар министрларига ҳукуматларнинг бошлиқлари бериши лозим бўлган директивалар тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди. Тўрт давлат ташқи ишлар министрлари ҳукуматларнинг бошлиқларига ташқи ишлар министрларининг бугунги мажлиси тўғрисидаги докладни эшитмоқ учун соат 17 да тўпланишни тавсия қилдилар.

СССР БЛАН КАНАДА ЎРТАСИДА ПОЧТА ПОСИЛКАЛАРИ АЙИРБОШЛАШ ТЎҒИСИДА БИТИМ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Алоқа министрлиги ва Канада Почта министрлиги ўз мамлакатлари ўртасидаги почта муносабатларини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашишни истаб, почта посилкалари айирбошлаш тўғрисида битим тузадилар.

Почта посилкалари аҳдлашучи мамлакатлар ўртасида қуруқликдаги йўллар, денгиз ва ҳаво йўллари орқали айирбошланиши мумкин.

Битим белгиланмаган муддатга тузилди ва 1955 йил 1 августдан кучга киради. Томонлардан бири 6 ой олдин бу битимни тўхтатиш тўғрисида хабар берганида шу битим кучдан қолиши мумкин.

Битимни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Алоқа министрлигининг ваколати блан СССРнинг Канададаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д. С. Чувахин, Канада Почта министрлигининг ваколати блан Канада почта министри А. Котэ имзоладилар. (ТАСС).

МАДАНИЯТ ВА ФАН САРОЙИНИ ҚУРГАН СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИГА ПОЛЬША ОРДЕНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ВАРШАВА, 22 июль. (ТАСС). Кеча Давлат кенгашининг колонна залида И. В. Сталин номидаги Маданият ва фан саройини қурган СССР гражданларининг бир группасига ҳукумат мукофотларини тантанали вазиятда топшириш маросими бўлди. Давлат кенгашининг раиси А. Завадский Маданият ва фан саройи қурилиши бошқармасининг илгариги бошлиги, металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрининг ўринбосари Г. А. Караваевга I даражали Польшанинг Тикланиши орденини топширди. Сарой қурилиши бошқармасининг бошлиги Д. А. Шаталов, шунингдек қурилиш ходимлари В. В. Белобродский, П. Н. Ключанов, А. А. Соколов, Л. А. Ковалев, А. А. Куликов ва бошқалар II даражали Польшанинг Тикланиши ордени блан мукофотландилар. Ишчилар, бригадирлар ва инженерлардан 18 киши Польшанинг Тикланиши орденининг офицерлик крестларини, бинокорлардан 15 киши Польшанинг Тикланиши орденининг кавалерлик крестларини, 22 киши хизмат кўрсатганлик учун олтин крестларни ва 13 киши хизмат кўрсатганлик учун кумуш крестларни олдилар.

Поляк бинокорларининг бир группаси ҳам орденлар блан мукофотланди.



Суратда: Комсомол қўлидаги Денгизчилар клуби биносининг олди томонидан кўриниши. Бугун бу ерда СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни шарафига қайиқда ва оммавий сузиш бўйича мусобақалар бўлади, «СССР—улуғ денгизлар давлати» темасида лекция ташкил қилинади. Кечқурун «Кема капитани» кинофильми намойиш қилинади. Н. Меламед фотоси.

Тошкент область қишлоқ бадиий ҳаваскорларининг кўриги

20 июль куни Пушкин номли Маданият ва истироҳат боғининг ёзлик театри биносида Тошкент область қишлоқ бадиий ҳаваскорларининг кўриги бошланди. Кўрик очилиши олдидан кириш нутқи сўзлаган жюри комиссиясининг раиси, область ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиги Ўрток Киргизбоев кўрикнинг қишлоқларимиздаги бадиий ҳаваскорларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таʼкидлаб ўтди.

Область қишлоқ бадиий ҳаваскорлари кўригида 40 дан ортиқ коллективга уюшган 700 га яқин киши иштирок этмоқда. Бу коллективлар қишлоқлардаги мактаб, колхоз, совхоз, МТС ва бошқа муассасалардаги ҳаваскорлардан ташкил топган. Қишлоқ бадиий ҳаваскорларининг репертуарлари жуда хилма-хил ва рангба-ранг-дир. Кўрикнинг биринчи кунида Оржоникидзе, Верхне-волинск ва Тошкент районларининг бадиий ҳаваскорлари ўз талантларини намойиш қилдилар. Айниқса Маяковскийнинг «Совет паспорти» шеʼрини ўқиган Афзаловнинг, «Эх, ухнем», «Вдоль по Питерски» каби рус халқ қўшиқларини ижро этган Горький номли мактаб ўқитучиси Половнинг (Оржоникидзе райони), «Йўл бўлсин» ва «Қизгина» лапарларини ижро этган У. Ибраҳимовнинг, «Нурхон» музикали драмасидан парчалар кўрсатган Ш. Шўлатова ва Ҳикматовларнинг (Тошкент райони) санʼатлари тамошабинларни мамнун қилди. Верхне-волинскли ҳаваскор Деньгин шоир Верховскийнинг «Дадил одимлар блан» шеʼрини зўр пафос блан ўқиб берди.

Кўрик давом этмоқда.

А. ОЛИМОВ,
Д. УРМОНБЕКОВ.

„Социалистик Ўзбекистон" журналининг янги сони

Ижтимоий- сиёсий, суратли «Социалистик Ўзбекистон» журналининг 7-нчи сони босилиб чиқди.

Мукованинг биринчи бетидаги расмда ғўзаларни иккитомонлама ишлаш жонли ва ҳаётий бўёқларда акс этдирилган. «Партия қарори — амалда» сарлавҳали бошмақола муҳим темага бағишланган бўлиб, мазмунан диққатга сазовордир. Адмирал П. С. Нахимов вафотига 100 йил тўлиши муносабати блан берилган материалнинг ҳажми кичик бўлса ҳам, ўқучида яхши таассурот қолдиради.

«Дам олишда» рубрикаси остида «Октябрь ўнйиллиги» дам олиш уйида дам олучилар ҳаётидан рангба-ранг, жозибали фотоочерк берилган. Фотоочеркда дам олучиларнинг осойишта ҳаёти яхши тасвирланган.

Журналда Рамз Бобожоннинг тинчлик тўғрисидаги «Юрак сўзи», Борис Клямичевнинг «Бинокор», Н. Турмуҳамедовнинг «Бизнинг Правда», Сирбой Мавлоновнинг «Покистонли ишсиз» каби шеʼрлари ва Олесь Гончарнинг «Усмон ва Марта» ҳикояси ўзларининг тематик хилма-хиллиги, мазмунан қизиқарли бўлиши блан киши диққатини ўзига жалб этади.

«Ҳар тўғрида», «Қисқа сатрларда» сарлавҳалари остида кичик-кичик мароқли информациялар ёритилган. «Сатира ва юмор» бўлимида Самарқанд «Красний двигатель» заводидаги ярамас аҳвол «келтиришди», «ўрнатишди» ва «олиб кетишди» темаларидаги карикатураларда кескин фош қилиб ташланган.

Журналнинг бу сони чиройли фотосуратлар ва расмлар блан безатилган.

Касаба союзларининг республика спартакиадаси

Бугун Тошкент спорт базаларида касаба союзларининг биринчи республика спартакиадаси бошланади. Спартакиада республикамиздаги барча кўнгилли спорт жамиятлари ва физкультура коллективларининг энг кучли спортчилари қатнашадилар.

Спартакиада программасига спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, городки, енгил атлетика, сузиш ва велосипед пойгаси каби турлари киритилган.

Футбол мусобақалари «Пишчевик», «Буревестник», «Локомотив» стадионларида ўтказилади. «Локомотив», «Энергия», «Буревестник» жамиятларининг спорт майдончаларида баскетбол ва волейбол мусобақалари бўлади.

Касаба союзларининг биринчи республика спартакиадасида республика касаба союзлари спортчиларининг спорт соҳасида кўлга киритган ютуқларига якун ясалади. Мусобақалар 26 июльгача давом этади.

С. БОҚИЕВ.

Женева кенгаши тўғрисида Ғарбий Германия матбуотининг ёзганлари

БЕРЛИН, 22 июль. (ТАСС). Ғарбий Германия матбуоти тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Женева кенгашининг ишига катта аʼтибор бермоқда.

«Франкфуртер рундшау» газетаси Германия масаласи тўрт ташқи ишлар министрларининг муҳокамасига топширилганлиги тўғрисида тўхталиб, Германия масаласида «ҳар иккала томон ўз позицияларида қаттиқ турибдилар» деб ёзади.

Баʼзи газеталар Германия масаласида Совет Иттифоқининг позициясини бузиб кўрсатмоқ учун Германия масаласининг ҳал қилиниши «кечиктирилди» деган уйдирма гапларни ёзмоқдалар. Броқ, бошқа газеталар, шу жумладан буржуа газеталари ҳам, Германия масаласининг тезроқ ҳал қилиниши, асосан, ғарбий давлатларнинг позициясига, уларнинг Париж битимларидан воз кечиш ёки воз кечмасликларига, Ғарбий Германияни қайта қарбийлаштиришдан, Ғарбий Германияни, бутун Германия қайта қўшилгандан кейин эса, бирлаштирилган Германияни ҳарбий блокларга қўшишдан воз кечишлари ёки кечмасликларига боғлиқдир, деб кўрсатмоқдалар.

«Фульдаэр Фольксцейтунг» газетаси, Н. А. Булганининг Женева кенгашидаги баёноти Аденауэрнинг, Париж битимлари Германияни қайта бирлаштириш учун тўсиқ бўлмайди, деган тезисини рад қилди, деб ёзмоқда.

«Нейе прессе» газетаси, хавфсизликни таʼминлаш масалаларида ҳам, қурол-яроғларни камайтириш масалаларида ҳам Совет Иттифоқининг фикрига ғарбий давлатларнинг рози бўлиши «зўравонлик сиёсатига хотима берган бўлур эди» деб ёзмоқда.

БЕРЛИН, 22 июль. (ТАСС). Ғарбий Берлин газеталари кенгашнинг ишлари қулай вазиятда ўтаётганлигини қайд қилмоқдалар.

«Ди вельт» газетасида Женевадан олиб берилган хабарда айтилишича, кенгаш қатнашчилари «самимийлик руҳини топмоқ» учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар. Фақат битта интилиш бор, — деб давом қилади газета, — у ҳам бўлса, мавжуд принципиал зиддиятларнинг ҳаммаси ҳар иккала томонни сиёсат ўтказиш воситаси сифатида урушга олиб келмаслиги лозим, деб иккинчи томонни ҳам ишонтиришга интилишдир.

«Телеграф» газетаси бундай деб ёзади: Атом қуролини тақиқлаш тўғрисида, қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида ва ниҳоят ҳужум қилишмаслик пакти тузиш йўли блан ҳамма халқлар учун хавфсизликни таʼминлаш ҳақида мумкин қадар тезроқ битимга келинган тақдирдагина тинчлик сақланиши мумкин, деган фикрга келишаётганлиги бу кенгашнинг асосий натижаси бўлдики, бундай фикрга келинаётганлиги ҳозир равшан кўрилмоқда.

«Ди вельт» газетаси Германия масаласининг Женева кенгашида муҳокама қилинишига бағишланган бошмақоласида уқтириб ёзадики, Женева кенгаши Берлин кенгашига нисбатан олдинга қўйилган қадамлир: биринчидан, музокаралар давом этдирилади, иккинчидан, бошқа катта халқаро масалалар муҳокама қилинади, бу эса кескинликни юмшатишга олиб келиши мумкин, учинчидан, кенгашнинг ҳамма қатнашчилари, Германия масаласини ҳал қилмасдан туриб тинчликни таʼминлаш мумкин эмас, деган фикрни ошкора айтмоқдалар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — Отпускага чиқиш олдидан сўнгги спектакллар — ёзги бинода: 24, 26, 28, 30/VII да **Қутлуғ қон**, 25/VII да **Алишер Навоий**, 27/VII да **Ҳамза**, 29/VII да **Оғриқ тишлар**, 31/VII да кундуз — қишки бинода **Оғриқ тишлар**, кечқурун — ёзги бинода **Гамлет**, кечқурун — қишки бинода **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VII да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Кармен**, 26/VII да **Травиата**.

«РОДИНА», қишки НАВОИЙ номли, қишки «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий музикали кинокомедия **Чавандоз қиз**.

НАВОИЙ номли (қишки) — эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **«Потёмкин» броненоси**.

«ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли, ёзги «ИСКРА», «УДАРНИК», КИРОВ номли — **Бўрон**.

«ХИВА» — **Концерт (кинодрама)**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Икки дўст**, кечқурун **Аргентинадан Мексикагача**.

ТОШКЕНТ ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ЗАВОДИГА
хотин-қизлар пойафзали тикувчилар, техник-гипсовщик
КЕРАК
Адрес: К. Маркс кўчаси, 85-нчи уй (ТашМИ территориясида).

«КИНОПРОКАТ» ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
киноустановкаларнинг экранларида кўрсатиш учун

Чавандоз қиз

номли янги бадиий музикали кинокомедия чиқарди.

Сценарий авторлари — **Ш. Ҳусанов, В. Абизов.**

Постановкачи — **Павел Боголюбов.**

Режиссёрлар — **В. Степанов, С. Хожиков.**

РОЛЬЛАРДА:

артистлардан **Л. Абдукаримова, Неустроева, К. Қожабеков, М. Суртубоев, В. Сошальская, А. Алексеев, С. Майканова, А. Муҳамад'ёров, К. Бойсентов, И. Боголюбов, С. Телгараев, К. Старосгин** ва бошқалар қатнашади.

Бу фильмни Олмаота киностудияси 1955 йилда ишлаган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КЎЧАЛАРИДА ОТ-АРАВА ТРАНСПОРТИНИНГ ҚАТНОВ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

мажбурий фармойиши

1955 йил 1 июль № 3 Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳри кўчаларида от-арава транспортининг тўғри қатновини уюштириш мақсадида, Тошкент шаҳар ижроия комитети от-арава транспортининг қуйидаги кўча қатнови қоидаларини белгилайди.

1. От-арава транспорти ҳайдовчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

а) ат-арава транспортини тузук аҳволда тутиш, уни бўяш ва ремонт қилиш;

б) юкни ёпиш (кўчага тўкилишига йўл қўймаслик) учун брезент олиб юриш;

в) шаҳар кўчаларида қатнаганда от тезагини йиғиштириш ва отларга қараш учун куракча, супурги ва бошқа асбобларни тутиш;

г) юк ортган араванинг белгиланган габаритга, яʼни эни энг кўпи 2,6 метр ва баландлиги энг кўпи 3 метр бўлишига риоя қилиш;

д) кўз ўнги яхши кўринган вақтда соатига энг кўпи 12 километр тезлигида, тунги вақтда ва ёғингарчиликда эса соатига 5 километр тезлигида юриш;

е) рессорсиз араваларда қадам тезлигида юриш;

ж) от-арава транспортини кўчада қаровсиз қолдирмаслик;

з) юк араваларида йўлнинг ўнг томонидан юриш;

и) кўчада (йўлда) қатнаганда ҳарвақт кўчанинг йўлкага яқин ўнг қаторидан бориш;

2. Қишда отлар тақаланган бўлиши лозим.

3. Резина ғилдиракли от-арава транспорти тормоз блан таʼминланиши керак.

4. От-арава транспорти ҳайдовчилари қуйидаги қоидаларга жиддий риоя қилишлари лозим:

I. Милиционер томонидан тартибланадиган чорқўчадан ўтганда:

1) Светофорда яшил сигнал ёқилган бўлса ёки кўча қатновини тартибловчи-милиционер тегишли вазиятда (от-арава транспорти келаётган томонга ёни блан) турса — чорқўчага бемалол чиқиш ва тўғрига ҳам ўнгга қараб юриш мумкин.

Яшил сигнал ёқилган бўлса ёки кўча қатновини тартибловчи тегишли вазиятда турган тақдирда, чапга қайрилиш (шу жумладан тескари томонга юриш) мумкин.

2) Қизил ва сариқ сигнал ёқилган бўлса ёки тартибловчи-милиционер тегишли вазиятда турса (юзи ёки орқаси блан турганда, шунингдек қўлини юқорига кўтариб ёки олдинга чўзиб турганда) — чорқўчага чиқиш тақиқланади.

II. Қатнов тартибланмайдиган чорқўчадан ўтганда:

1) Ҳамма механик транспортга йўл бериш.

2) Қайрилган тақдирда, тўғри томонга қараб юраётган транспортни ўтказиб юбориш.

3) Чорқўчадан бошқа жойларда қайрилганда, орқадан ва қаршидан келаётган ҳамма транспортни ўтказиб юбориш.

4) Остановкада тўхтаб турган трамвайга яқинлашганда, аравакаш ўз транспортини охирги вагоннинг кейнини эшигидан камида 3 метр нарида тўхтатиши лозим.

Трамвай излари кўча четига яқинроқ ётқизилган бўлса, аравакаш ўз транспортини (қаршисига трамвай келаётган вақтда) остановкадан камида 15 метр нарида тўхтатиши лозим.

Бу тақдирда, трамвай қўзғалгандан кейингина юрабошлаш мумкин. Трамвай узоқ тўхтаб турса, пассажирлар трамвайдан тушиб ва чиқиб бўлгач, энг кўпи соатига 5 километр тезлигида йўлни давом этдириш мумкин.

5. От-арава транспорти ҳайдовчилари. га қуйидагилар тақиқланади:

а/ бузуқ транспортда йўлга чиқиш;

б/ транспортни маст ҳолда ҳайдаш;

в/ от-арава транспортини ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёнга олмай чиқиш;

г/ тўхтаб турган ёки соатига энг кўпи 5 километр тезлигида бораётган транспортдан бошқа механик транспортни қувиб ўтиш;

6. Қуйидаги жойларда салгина вақт бўлса ҳам тўхташ тақиқланади:

I/ транспортнинг тўхташини тақиқлайдиган белгилар ўрнатилган жойда;

2/ темир йўл переездларида;

3/ чорқўчаларда (чапга қайрилиш ҳолларидан ташқари);

4/ пиёдалар йўлида;

5/ автобус ва троллейбусларнинг тўхташ жойида;

6/ уй дарвозалари ва ҳовлидан чиқиш йўллари, шунингдек корхона, муассаса ва жамоат биноларининг подʼездлари рўпарасида;

7/ кўча ва йўл қайрилишларида;

8/ кўприкда ва кўприк остида;

9) чорқўчаларга 20 метрдан яқин жойда.

Бундан бошқа ҳамма жойларда от-арава транспортини (қаровсиз қолдирмаслик шарти блан) тўхтатиш мумкин.

7. Чети қизил ва ўртаси сариқ рангли тўғарак шаклдаги (суратсиз) сигнал белгилари, шунингдек отнинг боши ва юк машинасининг сурати солинган сигнал белгилари кўчадан қатнашни тақиқламайди. Башарти, сигнал белгисининг нариги томонидан бир квартал доирасида жойлашган пунктга юк ортиш ва бўшатиш учун бориш зарур бўлса ва соатига энг кўпи 5 километр тезлигида юрилса.

Қизил рангли ва ўртаси сариқ чизиқли тўғарак шаклдаги сигнал белгиси бўлган тақдирда, кўчага кириш тақиқланади.

Сариқ рангли ва қора ўқли тўғарак шаклдаги сигнал белгиси ўрнатилган бўлса, от-арава транспорти ҳайдовчилари ўқ кўрсатган томонга қараб юришлари лозим.

8. Кўча қатнови қоидаларини бузган от-арава транспорти ҳайдовчиларидан жойнинг ўзида 3 сўм миқдорида штраф олинади. Уни жойнинг ўзида тўлашдан бош тортган тақдирда, бу штраф ОРУДда ёки милиция бўлимида уч баравар ошиқ миқдорда ундирилади.

9. Шу мажбурий фармойишни қўпол бузишда айбдор бўлган кишилар маʼмурий жавобгарликка, яʼни 100 сўмгача штраф тўлашга ёки бир ойгача муддат блан мажбурий ишга тортилсин. Такрор ёки жўрттага бузган тақдирда, от-арава транспорти ҳайдовчилари 6 ойгача муддат блан правадан маҳрум этиладилар.

10. Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш Тошкент шаҳар милиция органларига ва Тошкент шаҳар ободончилик бошқармасига юклансин.

11. Шу мажбурий фармойиш матбуотда эʼлон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. ЮСУПОВА.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари Б. ПАРФЕНОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 138. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санʼат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Эʼлонлар бўлими — 38142.

Р 05244. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1470.